2. Ўзини-ўзи бошқариш қобилияти юқори бўлган шахслар ўзларининг тажовузкор хатти-ҳаракатларини боса олади, лекин алоҳида ҳолатларда улар ҳам ҳаддан ташқари тажовузкор ҳаракатларга қўл уруши мумкин. Бу шахсларни аффектни вужудга келишига нисбатан мойиллиги, аввало, ташқи ҳолат ёки вазиятга ва аффектни вужудга келишига хизмат қилувчи руҳий қийинчиликларни тўпланишига нисбатан рақиб шаклдаги муносабати билан ажралиб туради [2, Б. 115]. Узоқ муддатли руҳий тушкунлик ёки қийинчиликлар ҳолати мавжуд шароитларда аффект арзимаган сабаб туфайли ҳам вужудга келиши мумкин. Бу ҳар иккала турдаги шахсий фазилатларга эга бўлган шахслар аффект ҳолатида портлашга мойил бўлади. Улар бир-биридан аффектни кўзгатувчи вазиятларнинг ўзига хос характери билан фарқланади [3, Б. 13].

Агар жиноят субъекти - жиноят-ҳуқуқий тушунча бўлса, жиноятчи шахси эса социал-биологик ва социал-психологик тушунча саналади. Жиноят субъекти ўзида шахс ижтимоий хавфли қилмиши учун жинойий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган белгиларни тавсифлайди. Жиноятчи шахси эса - жиноят субъектига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у ўзида жиноят субъекти тавсифлайдиган белгилар доирасидан четда қоладиган кенгроқ доирадаги белгиларни ва шахсни социал тавсифига оид хусусиятларни қамраб олади [4, Б. 639]. Криминология фанида жиноятчи шахси деб, "шахс томонидан жиноят содир этилишига сабаб бўладиган ўзига хос ижтимоий-руҳий хусусиятларнинг мажмуаси" [5, Б. 167] тушунилади.

Шу билан бирга, ушбу тушунча жиноят қонунидаги жазо тайинлаш ва жазони ўташдан озод қилиш каби масалаларни ҳал қилишда жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этади. Ушбу фикримизни тасдиғи сифатида Жиноят кодекси 55-моддасида жазо тайинлашда инобатга олиниши лозим бўлган енгиллаштирувчи ҳолатлар белгиланган бўлиб, унга вояга етмаганнинг жиноят содир этиши, ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши; оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш каби жиноятчи шахсини тавсифловчи ижтимоий-психологик ва ижтимоий-биологик хусусиятлар киритилган. Ушбу хусусиятлар жиноятчининг демографик ва социал белгиларини (ёши, оилавий шароити), унинг жиноят содир этиш вақтидаги биологик ҳолати (ҳомиладорлиги, оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳвол) каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Қ.Абдурасулованинг қуйидаги фикрини қўллаб-қувватлаймиз: "Объектив реаллик бўлиш жиноятчининг шахсини ўрганиш муайян жиноят сабабларини аниқлаш учун ўтмишнинг бу вақтга келиб мавжуд бўлмай қолган ҳолатларини ретроспектив баҳолашга қараганда анча ишончлироқ. Жиноятчи шахси тушунчаси жиноятнинг содир этилиши билан чамбарс боғлиқ, шу боис унинг айрим белгилари жиноятчининг шахсига ҳам татбиқ этилиши мумкин. Уларга, аввало, ижтимоий хавфлилик киради. Бу жиноят ҳуқуқининг жиноятлар таркибига эга бўлган барча нормаларида жамиятга зиён етказувчи ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган тақдирдагина тўғри бўлади" [6, Б. 27-28].

"Жиноятчининг шахси билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларни билиш - якка тартибда содир этиладиган жиноятларни олдини олиш, уларни содир этилишига

---

---

сабаб бўлган омиллар ҳамда жиноят туфайли шахсга етказиладиган салбий таъсирини бартараф этиш учун муҳим." [7, Б. 32-33], деб ҳисоблайди О.Зокирова. "Шахс, - деб ёзади Г.М.Резник, - билимларнинг ҳар қандай соҳаси учун энг мураккаб объект ҳисобланиб, унга бирорта ҳам фанда тўлиқ таъриф берилмайди, аксинча ҳар бир фан шахсни ўзича талқин қилади" [8, Б. 29]. О.Жалилов масалага ўзгача ёндашган ҳолда, "жиноят содир этишга имкон туғдирадиган барча объектив омиллар ҳам жиноятчи шахси билан боғлаб бўлмайди. Масалан, жиноятчилик даражаси юқори бўлган мавзеда жиноятдан жабрланиш ҳоллари кўп учрайди. Лекин, ушбу омил жиноятчининг шахси билан эмас, балки ўша мавзедаги криминоген муҳит билан боғлиқ бўлади" [9, Б. 53-54], деб ҳисоблайди.

Субъект жамиятдаги ижтимоий муносабатлардаги иштироки жараёнида ўзига хос хулқ-атвор шаклига эга бўлади. Бу жараён жамият назорати остида юз беради ва "мен" шаклида намоён бўлувчи ўзини - ўзи бошқаришнинг натижаси ҳисобланади.

Хулқ-атворнинг турли шакли олдиндан ўйланишнинг ҳосиласи бўлиб, аниқ бир ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги онгда аниқ бир хулқ атвор шакли сифатида шаклланиб қолади.

Аниқ бир хулқ-атворни шаклланишида бир неча маротаба такрорланиш натижасида юзага келадиган "руҳий қўзғалишларнинг тўпланиши" жараёни муҳим рол ўйнайди. Бир хил шаклдаги хулқ-атворни такрорланиши натижасида шахсда худди шу шаклдаги вазият пайдо бўлганда тўсатдан ҳаракатланадиган хулқ-атвор тури вужудга келади. Бу ҳолатда гап аниқ бир ҳаётий вазиятга нисбатан шахсни ижтимоий хавфли ҳаракатлар билан жавоб бериш жараёни ҳақида бормоқда. Шахс бу шаклда реакция қилишга руҳий жиҳатдан тайёр бўлсада, кўпчилик ҳолатларда ўз ҳаракатларини чуқур англамайди ва унинг ўз ҳаракатларини оқлашга қаратилган мотивлари кўпинча юзаки характер касб этади.

Аниқ бир ҳаётий вазиятда жиноий ҳаракатларнинг асосий элементи бўлиб вужудга келган вазиятга ахлоққа зид ва қонунга хилоф равишда жавоб қайтариш учун шахс маълум даражада эмоционал тайёр бўлиши лозим.

Шахсда шаклланидиган хулқ-атвор шаклига тўхталадиган бўлсак, бу индивидни тасавурида бир неча маротаба такрорланиш натижасида ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, агар субъект ўз хотини хиёнат қилган тақдирда уни ўлдириши ҳолатини кўп маротаба тасаввур қилган бўлса, шу ҳолат ҳақиқий ҳаётда юз берган тақдирда худди шу шаклда ҳеч қандай иккиланишларсиз мазкур жиноятни содир этиши мумкин. Чунки, бу вақтгача субъект онгида бу жараён қатъий хулқ-атвор шакли сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаб бўлган бўлади.

Аффект ҳолатида хулқ-атвор шаклини танлашда субъектни айнан қайси ижтимоий қадриятга зарар етказишга урунмоқчилиги муҳим рол ўйнайди. Бундай фикрга келишимизга сабаб, ҳатто аффект ҳолатида ҳам шахс ўзи учун жуда қадрли бўлган объектга зарар етказишга қўли бормади.

Шу сабабли, юқори ҳуқуқий онг даражасига эга бўлган шахс ўч олиш эҳтиёжини қондириш учун бўлсада аффект ҳолатида қасддан одам ўлдира олмайди. Юқори ҳуқуқий онгнинг таъсири туфайли шахснинг одам ўлдириш хулқ-атвор шаклини амалга ошириш даражаси пасайиб кетади. Бу каби ҳолатларда одам ўлдириш содир этилиши учун иродавий кучланиш зарур ва уни таъсирида одам ўлдириш хулқ-атвор шакли сифатида шахс томонидан қабул қилинади.

Бу ўринда қотилнинг психикасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар кўрсатишича, кўпчилик (76%) маҳкумлар содир этган жиноятларини

---

---

таснифи бўйича ўзларини фақат тергов ва суд муҳокамасида айбдор деб ҳисоблаб, ўз қилмишларига пушаймон бўлишган. Қолганлари ўз айбларини тан олишмаган (5,5%) ва қисман тан олишган (18,8%) [10, Б. 38-39].

Аффект ҳолатида содир этилган жиноятларда ҳам кўпинча айбдор ўзини содир этган ижтимоий хавfli қилмишини оқлайди ва уни тўғри қилган деб ҳисоблайди. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, аффект ҳолатида жиноят содир этган шахс паст даражадаги социал мослашувчанлиги, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан юқори даражадаги сезувчанлиги ва хулқ-атвордаги импульсивлиги билан характерланади.

Е.Г. Журавельнинг фикрича жиноят содир этиш вақтида айбдор аффект ҳолатида бўлганим деган масалани тўғри ҳал қилиш учун аффектоген вазиятнинг умумий тавсифи, айбдорнинг индивидуал психологик ўзига хослиги, айбдорни жиноят содир этиш арафасидаги психофизиологик ҳолати, айбдорни жиноят содир этиш вақтидаги ҳаракатларининг характери, жиноят содир этилгандан сўнг айбдорни ўз ҳаракатларини оқибатларига бўлган муносабатини тадқиқ қилиш талаб қилинади [11, Б. 2-4].

Аффектлашган ҳаракатларни баҳолашда аввало, ушбу ҳаракатларда аффектнинг кўзгатувчи одагдги ва хатто мақсадга йўналтирилган аффект белгилари ҳам учраб туришини ҳисобга олиш лозим.

Юқоридаги таҳлилардан кўришиб турибдики, аниқ бир вазиятларда эмоционал иродавий беқарорликни намойиш қилиш шахсга ўз мақсадларига эришишини осонлаштиради. Инсоннинг руҳий олами мана шу шаклда йўл тутишга мойил. Шу боис, зўрлик ишлатиш шаклидаги аффектлашган жиноятларни кўпинча у ёки бу сабабга кўра жамиятнинг маданий тараққиёти ва шунга мос бўлган ҳис-туйғуга эга бўлмаган шахслар содир этади.

Эмоционал тартибсизлик (интизомсизлик) ҳолатини вужудга келишини оддий шаклда инсон тарбиясидаги камчилик сифатида ҳам ёки уни кўзгатувчи бир қатор ички соматоген ва ташқи психоген, гелиомагнит таъсирлар сифатида асослаш ҳам мумкин [12, Б. 11].

Кўпчилик ҳолатларда аффект ҳолатида жиноят содир этган шахсларни қандайдир сабабга кўра ҳаётда ўзини бошқариш каби ахлоқий омилларни тўла эгалламаган, шунингдек ўзини-ўзи бошқариш, ўз ҳис-туйғуларини, газабини ва эмоцияларини бошқара олиш қобилиятлари шаклланмаганлар ташкил этади.

"Улар ўзларига ҳалақит берувчи ҳар қандай шахсларга ёки нарсага нисбатан бесабрлик билан жавоб қайтаришга мойил бўлади. Улар мазкур тўсиқларни ёки бузилган манфаатларини (қадр-қиммати, шаънига, ҳурмат ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар) ўзга шахслар ҳаётига зарар етказиш эвазига бўлсада бартаараф этишга ёки тиклашга тайёр бўладилар." [13, Б. 208], деб таъкидлайди Н.А. Ратинова.

Жиноят содир этган шахсдаги билимсизлик, тарбиясизлик, маданиятсизлик, интеллектуал даражанинг пастлиги, шу билан бир қаторда ўз ҳаракатларини ўзгалар учун зарар етказиши мумкинлигини ва вазиятни тўғри баҳолай билмаслик каби хусусиятлар [14, Б. 38-41] аффект ҳолатида жиноят содир этишга туртки бўлувчи омиллардан бири саналади.

Аксинча, шахсдаги юқори маданият, сабрлик, эмоцияда барқарорликни ҳукм суриши ва низоли вазиятлардан чиқиш қобилиятини мавжудлиги криминоген таъсирлардан ҳимоя қилувчи ўзига хос иммунитет вазифасини ўтайди ҳамда аффект ҳолатини вужудга келишига тўсқинлик қилади.

---

---

Бизнингча, аффект ҳолати кўпчилик вазиятларда шахсни ўзини бузилган ҳуқуқларини ёки ҳақлигини ўзбошимчалик билан бунга сабаб бўлган айбдорни жазолаш йўли билан тиклашга қаратилган ҳаракатларида намоён бўлади.

Шубҳасиз, юқори ахлоқий тарбия ва маданиятга эга бўлган, жамиятда қабул қилиниши мумкин бўлган хулқ-атвор шаклини ўзлаштирган шахслар юқорида қайд этиб ўтилган паст ахлоқий тарбияга эга бўлган ва интеллектуал даражаси юқори бўлмаганларга қараганда низоли вазиятларда ўз ҳис-туйғуларини бошқаришда қийинчиликка учрамайди, деб ҳисобловчи олимларнинг фикрларига тўла қўшилиш мумкин.

Тўғри, кимдир томонидан содир этилган зўрлик, ҳақорат қилиш ёки бошқа гайриқонуний ҳаракатлар жамиятдаги ахлоқий нормаларга амал қилувчи ҳар қандай шахсда ҳам салбий жавобни қайтаришига ёки негатив эмоцияни намоён қилишга сабаб бўлиши мумкин, аммо, ҳуқуқий онги ва маданияти юқори бўлган шахсда жавоб реакцияси "қўзғатувчи"га зарар етказиш шаклидаги хулқ-атворни содир этишга олиб келмайди.

Ҳуқуқий онги ва маданияти юқори бўлган шахс қандай кучли руҳий ҳаяжон бўлишига қарамадан ўз ҳаракатларига ҳуқуққа хилофлилик нуқтаи назаридан танқидий баҳо бера олади. Инсон организми хатто руҳий бузилиш ҳолатларида ҳам у ёки бу вазиятдан чиқиб йўлини кўрсатувчи кучли мослашувчанлик қобилиятига эга [15, Б. 192].

Инсонни тарбия даражаси, унинг ҳуқуқий дунёқарashi, ҳуқуқий маданияти аффектни ривожланишига ўзига хос жиддий таъсир кўрсатади. Бу ижобий хусусиятлар ҳаминша мураккаб ҳаётий вазиятларда шахсни ўз хулқ-атворини танлашда муҳим таъсир кўрсатади.

Шундай экан, аффектга бўлган мойиллик - маълум даражада ироданинг сустиги ҳамдир. Одатда аффект ҳолатига учраганлар ўз ҳис-туйғуларини бошқаришни ўрганмаган шахслар саналади, ушбу тоифа шахсларни бир сўз билан "эмоционал тартибсиз" шахслар деб ҳам аташ мумкин. Ҳар бир шахс ўз ҳаётида аффектга турли вазиятларда тўқнаш келиши мумкин, лекин ҳар доим ҳам уни ривожланишига йўл қўйиб бермайди.

Ўрганилаётган жиноятларнинг ўзига хослиги шундаки, аффект ҳолатида жиноят содир этган шахс хулқ-атворига нафақат уни шахсини тавсифловчи салбий хусусиятлар (жамиятда ўрнатилган нормаларга зид зарарли одатлар ва қарашлар), балки, шахсни шаъни ёки қадр-қимматига қилинган гайриқонуний тажовузларга нисбатан ўз муносабатини билдириш орқали жамиятда адолатни ўрнатишга бўлган айбдор позициясини ифодаловчи ижобий жиҳатлар ҳам таъсир кўрсатади. С.С.Ниезова олиб борган тадқиқотларга кўра, "одам ўлдириш жиноятининг 10 фоизда виқтим ҳолат шахсларнинг эпизодик (вақтинчалик) хулқ-атвори оқибатида тасодифан юзага келса, 90 фоизда шахсларнинг актив-салбий виқтим хулқ-атвори оқибатида юзага келади" [16, Б. 49-51].

"Маълумки, "оқланган" аффект шаклида содир этилган жиноятларга хос жиҳатлардан бири бу - айбдор хулқ-атворининг мотивида алоҳида тубан ниятлар мавжуд бўлмаслиги", деб ҳисоблайди Б.В. Сидоров. Бу ҳолатда айбдор шахси бир-бирига қарама-қарши бўлган турли-туман хусусиятларни ўзида акс эттирувчи мураккаб ҳодиса сифатида намоён бўлади. Ушбу ўзига хослик бир қарашда айбдорни жамиятда ўрнатилган нормаларни бузувчи шахс сифатида намоён этмасда, лекин жинсий хулқ-атвор ва айбдор шахси ўртасидаги ўзига хос

---

---

боғлиқликни кўрсатиб беради. Мазкур боғлиқликни шахсни хулқ-атворига таъсир кўрсатувчи ташқи таъсирлардан ажратмаган ҳолда, айбдорни аниқ бир вазиятда жамиятда ўрнатилган нормаларга зид ҳаракат қилишига олиб келган жабрланувчининг гайриқонуний ҳаракатлари билан биргаликда таҳлил қилиш лозим.

Жиноятчи шахсини криминологик тавсифлашда социал - демографик белгилар муҳим рол ўйнайди [17, Б. 167]. Ушбу белгилар аниқ бир шахсни шаклланиш манбаларини ва аффект ҳолатида субъектни жинойий хулқ-атворига таъсир кўрсатувчи ҳолатларни аниқлаш имконини беради.

Тадқиқотларимиз жараёнида аниқланган маълумотларга кўра аксарият жиноят ишлари бўйича суд-психологик экспертизасини ўтказилмасдан шахснинг жиноят содир этилган вақтдаги хулқ-атворини кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилмаган, деб топилаётганлиги амалиётда мазкур тоифадаги жиноятларни нотўғри квалификация қилинишига олиб келмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан 2014-2017 йиллар ва 2018 йилнинг 9 ойида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган жиноятларнинг (ЖК 98-,106-моддалар) сони статистик таҳлил қилинганида ушбу жиноятларнинг умумий жиноятчилик сонига нисбати жуда кам эканлиги аниқланди. Хусусан, республика бўйича 2014 йилда 7та, 2015 йилда 10 та, 2016 йилда 10 та, 2017 йилда 12 та, 2018 йилнинг 9 ойи давомида 5 та иш кўрилиб, жами 47 нафар шахсга нисбатан ЖК 98-,106-моддалари билан жиноят иши қўзғатилган. Суд томонидан ҳукм чиқарилганларнинг 38 эркаклар, 7 нафари аёллар, 1 нафари вояга етмаган шахслар ва 1 нафари 60 ёшдан ошган шахсни ташкил қилади. Юқорида айбдор деб топилган 47 нафар шахснинг 19 нафарига нисбатан жазо тайинланиб ҳукм чиқарилган, шундан 12 нафарига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган [18].

Психологларнинг тасдиқлашича эркакларга нисбатан, аёллар аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятларнинг жабрланувчисига айланиши ҳолатлари юқори даражани ташкил этади. Умуман олиб қараганда, мазкур тоифа жиноятларида аёллар ва эркакларнинг жиноятчилигининг статистик ҳолати ўзининг ижтимоий аҳамиятига ҳам эга. Қ.Абдурасулованинг ижтимоий ҳаётдаги бир-хил ҳодисалар эркак ва аёлларнинг хулқ-атворига турли таъсир кўрсатади [19, Б. 71-72], деган фикрлари тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятларни содир этувчи аёлларнинг сонини юқори эканлиги жинсларни физиологик ажратилиш билан эмас, балки низоли вазиятларда ўзини тутиш ва бошқалар билан ўзаро муносабатни шакллантирувчи ижтимоий алоқаларни ривожланишидаги тафовут билан белгиланади [20, Б. 243].

Жамият ва оилада аёлларни тутган ўрни, оила ҳақидаги гамхўрлик қилиш юқининг кўпчилик ҳолатларда аёллар зиммасига тушаётганлиги кўпчилик аёллар томонидан содир этиладиган мазкур тоифадаги жиноятларни ўзига хос жиҳатларини намоён қилади.

Эр ёки отанинг алкоголь маҳсулотларга ружу қўйганлиги, муттасил равишда оила аъзоларини ҳақорат қилиниши, эркак кишининг хиёнати ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар аёл руҳиятига зарар етказиши ва уни аффект ҳолатига тез чалинишига замин яратади.

Аёллар ўз табиатида кўра низоли вазиятларни зўрлик ишлатиш йўли билан ечишга мойил бўлмайдилар, улар кўпинча ўзларига етказилган озорни сабр ва

---

ирода билан қарши оладилар. Агар аёллар томонидан аффект ҳолатида бошқа шахсни ҳаёти ёки соғлиғига нисбатан тажовуз қилинган бўлса, демак бу муттасил равишда уларга нисбатан содир этилган зўрлик ёки оғир ҳақорат ёхуд бошқа гайриқонуний ҳаракатларни натижаси саналади. Чунки, аёллар ўзларининг табиатиға кўра уларга нисбатан бир маротаба содир этилган гайриқонуний ҳаракат ёки зўрликка нисбатан одам ўлдириш даражасидаги зўрлик билан жавоб қайтармайди. Қ.Абдурасулованинг фикрича, зўрлик ишлатилган оғир жиноятлар (одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш) аёллар томонидан, асосан, оила-рўзгор муҳитида содир этилади [21, Б. 71-72].

Аксинча, аффект ҳолатида эркаклар томонидан содир этиладиган жиноятчилик мазкур тоифадаги аёллар жиноятчилиғига нисбатан эркак шахсининг бесабрлиғи ва тез хафа бўлишлиғи, гурур ва қадр-қимматга етказилган зарарга нисбатан кескин реакция билдирилиши билан ажралиб туришини кўрсатиб беради. Эркаклар низоли вазиятларда куч ишлатиш ёки зўрлик орқали уни ечишга уруниши билан характерланади, бу жараёни янада тезлашувига асосий омил бўлиб, муттасил алкогол маҳсулотларини истеъмол қилиниши замин бўлади.

Мазкур тоифадаги жиноят ишларини ўрганиш натижасида маҳкумларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳга узоқ муддат давомида руҳий бузилиш ҳолатида бўлган; жабрланувчи томонидан мунтазам равишда ҳақоратга учраган, бир неча маротаба зўрлик ишлатиши натижасида салбий ҳис туйғуларни аккумуляция бўлишига олиб келган ҳамда шу каби бир вазият натижасида кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолати вужудга келган шахслар;

Иккинчи гуруҳга эса жабрланувчи билан нормал муносабатда бўлган, лекин жабрланувчи томонидан қутилмаганда содир этилган ахлоққа зид ёки ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар натижасида аффект ҳолати вужудга келган ва жиноят содир этган маҳкумлар кирази.

Жиноят содир этилгунга қадар жабрланувчи ва айбдор ўртасидаги ўзаро яхши муносабатни мавжудлиғи, аввало, қутилмаганда жабрланувчи содир этадиган ҳуқуққа хилоф ёки ахлоққа зид ҳаракатларни айбдорда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини вужудга келтиришдаги юқори даражадаги таъсиридан далолат беради.

Ўрганилган жиноятларнинг кўпчилик қисми оилавий-маиший низолардан (оилада, қариндошлар ўртасида, қўшнилар ва бошқа яқин танишлар) келиб чиққан ҳолда содир этилган бўлиб, бу ҳолат жабрланувчи ва айбдорнинг бири-бири билан яқин таниш бўлганлигидан далолат беради.

Тадқиқотларга кўра ЖК 98-, 106-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган маҳкумларни 68% оилали бўлиб, кўпчилик ҳолатларда бир неча фарзандларга эга бўлган шахслардир. Ушбу ҳолатда турмушга чиққан аёлларни ҳиссаси 90% ни ташкил этганлиғи ҳам диққатга сазовор. Аффект ҳолатида жиноят содир этган шахсларни жиноят содир этиш ёшини таҳлил қилиш ҳам бизга мазкур тоифадаги жиноятларини ўзига хослигини кўрсатиб беради.

2014-2017 йиллар давомида содир этилган аффект ҳолатидаги жиноятларни таҳлили бизга қуйидаги маълумотларни тақдим этди. Жумладан, ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг катта қисми етарли даражада таълим ва паст даражадаги маданиятли шахсларни ташкил этганлиғи ҳам диққатга сазовор. Таҳлил қилинган жиноятларни содир этган айбдорларнинг 20,1% умумий таълим босқичини, ўрта-маҳсус маълумотлилар эса 77,6%, олий маълумотлилар эса 2,9% ташкил этади.



---

Юқоридаги статистик маълумотлардан кўришиб турибдики, мазкур тоифадаги жиноятлар асосан 18-30 ёшлардаги шахслар томонидан содир этилади. Айниқса, бу кўрсаткич эркак жинсидаги шахсларга хосдир. Мазкур ёш тоифаларидаги шахслар томонидан содир этилган жиноятларни жабрланувчилари асосан айбдорнинг дўстлари ёки унга яқин муносабатда бўлган шахслардир.

Жиноят содир этган шахснинг ёши уни шахсини ўрганишда муҳим рол ўйнашига, энг аввало, шахснинг ўз ёши ва ундан келиб чиқадиган дунёқараш жамиятда уни ўраб турган атрофдагиларни унга кўрсатаётган таъсири натижасида пайдо бўлиши билан боғлиқдир. О.Ольшевска ўтказган тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги хулосага келган: "Жиноят содир этган шахснинг марказий асаб системаси қанчалик шаклланиш босқичида бўлса, шу даражада эмоционал ҳолатининг вужудга келиши осон ва тўсатданликни касб этади" [22, Б. 18].

Шахс ёши улғайган сари инсон асаб тизимига юқоридаги жиноят содир этишга кўзгатувчи ҳолатларни таъсири ҳам кам таъсир эта бошлайди. 21-50 ёш ўзининг ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Айнан шу ёш оралигидаги шахслар жамиятда ўз ўрнига эга бошлаганини ва оилада ҳал қилувчи вазифани бажарувчи шахс масъулиятини ўзида ҳис қила бошлайди.

Шахсий ҳаётдаги омадсизликлар, оилавий муносабатлардаги муаммолар, турли доимий касалликлар ва бошқа асаб тизимини тамоман издан чиқарувчи ҳолатлар умуман олганда инсон фаолиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Ўтказилган статистик тадқиқотларнинг таҳлилига кўра, 2014-2017 йилда ЖК 98-, 106-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган айбдорларнинг 84,4% эркак жинси вакиллари томонидан, 16,6% эса аёллар томонидан содир этилганлиги аниқланган.

Ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг катта қисми етарли даражада таълим ва паст даражадаги маданиятли шахсларни ташкил этганлиги ҳам диққатга сазовор. Таҳлил қилинган жиноятларни содир этган айбдорларнинг 20,1% умумий таълим босқичини, ўрта-махсус маълумотлилар эса 77,6%, олий маълумотлилар эса 2,9% ташкил этади. Аффект ҳолатида содир этилган жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг 55% меҳнат фаолият билан шугулланса, 45% эса ўқиш ёшдагиларни ташкил этади [23].

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида амин бўлдики, фаол жамият ҳаётидан ажралганлик, дунёқараш ва маълумотни паст даражадалиги, шахс манфаати ва ҳаракатларини бир ёқламаллиги, фақатгина ўз шахсий муаммоларини барча нарсадан устунлиги, кўпчилик ҳолатларда камбағаллик ёки оилавий етишмовчиликнинг мавжудлиги шахсда низоли вазиятларда бошқа бир шахс томонидан содир этилган ғайриқонуний ҳаракатларга нисбатан номувофиқ ҳаракат қилиш ва аффект ҳолатини вужудга келиш мойиллигини кучайтиради.

Мазкур жиноятларни криминологик тавсифида жиноят содир этган шахсни индивидуал-психологик ўзига хослиги, хусусан, асаб фаолиятининг тури, темпераменти, бошқа психофизиологик ўзига хослиги муҳим аҳамият касб этади. Ушбу хусусиятлар аффектни вужудга келишини осонлаштиради ва бу ўз навбатида криминал хулқ-атворни амалга ошишига туртки бўлувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бу шахснинг ўзига хос белгилари ҳамда бошқа жиноят содир этишга туртки бўлувчи ҳолатлар барчаси биргаликда бизга аффект ҳолатида содир этилаётган жиноятларда асосий ролни шахсни ижтимоий-психологик жиҳатлари ташкил этади, деган хулосага келишимизга олиб келади.

---

---

Шундай қилиб, индивид табиатини жамиятдан ажратган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайти, чунки инсонни қобилияти узоқ йиллар давомидаги жамиятдаги ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади ва бу ўз навбатида шахсни ижтимоий-психологик ривожланишига таъсир кўрсатади. Ижтимоий омиллар инсон руҳияти ва ҳаётги фаолиятига муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли, шахснинг гайриқонуний ҳаракатларни содир этишига нафақат эмоционал кўзғалиш асос бўлади, балки ушбу эмоционал портлашга замин ҳозирлаган ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва жамиятнинг таъсири ҳам муҳим туртки бўлиши мумкин.

Демак, аффект ҳолатида жиноят содир этган шахс бу ҳаракатлари билан ўзини ҳақиқий социал қиёфасини ҳам кўрсатади. Гарчи бу каби жиноятлар олдиндан ўйланмаган ҳолда содир этилсада, лекин у тасодикийликни ҳам ўзида қасб этмайди, шахс гайриқонуний ҳаракатлари орқали жамиятдаги ижтимоий қадриятларга бўлган иродавий муносабатини ифодалайди. Бу иродавий муносабатларни шаклланиши ва пайдо бўлишига эса жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг таъсири замин бўлиб хизмат қилади.

---

#### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. Крутько О. Қасдан одам ўлдириш. // Ҳаёт ва қонун. 2005. - №3. - Б. 38-39. (Krutko O. Intentional killing // Life and Law. 2005. - No. 3. - B. 38-39.)
2. Нагаев В.В. Основы судебно-психологической экспертизы. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. - С. 115. (Nagaev V.V. Fundamentals of forensic psychological examination. - M.: UNITY-DANA, 2000. -- S. 115.)
3. Синтковская О.Д. Аффект: криминально-психологическое исследование. - М.: Юрлитинформ, 2001. - С.13. (Sitkovskaya O.D. Affect: criminal psychological research. - M.: YurLitinform, 2001. - P.13.)
4. Уголовное право России. Учебник для вузов. В 2-х томах. Т. 1. Общая часть. Ответственные редакторы и руководители авторского коллектива - доктор юридических наук, профессор А.Н. Игнатов и доктор юридических наук, профессор Ю.А. Красиков. - М.: Издательство НОРМА (Издательская группа НОРМА-ИНФРА М), 2000. - 639 с. (The criminal law of Russia. Textbook for high schools. In 2 volumes. T. 1. The general part. Responsible editors and leaders of the team of authors - Doctor of Law, Professor A.N. Ignatov and Doctor of Law, Professor Yu.A. Krasikov. - M.: NORMA Publishing House (NORMA - INFRA M Publishing Group), 2000. - 639 p.)
5. Абдурасулова Қ. Р. Криминология. Альбом схемалар. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. -167 б. (Abdurasulova Q. R. Criminology. Album schematic. - Tashkent: TDYUI, 2005. -167 b.)
6. Абдуллаев И. "Жиноятчи шахси". // Ҳаёт ва қонун. 2004. - №6. - Б. 27-28. (6. Abdullaev I. "Person of the criminal." // Life and Law. 2004. - No. 6. - B. 27-28.)
7. Зокирова О. Рашк туфайли жиноят содир этган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари. // Ҳуқуқ - Право - Law.2002. - №2 (18). - Б. 32-33. (Zakirova O. Characteristics of those who commit crimes because of jealousy. // Law - Pravo - Law.2002. - No. 2 (18). - B. 32-33.)
8. Резник Г.М. Личность преступника: правовое и криминологическое содержание // Личность преступника и уголовная ответственность. - Саратов, 1981. - С.29. (Reznik G.M. The identity of the offender: legal and criminological content // The identity of the offender and criminal liability. - Saratov, 1981. - P.29.)
9. Жалилов О. Жиноят содир этилишида муҳитнинг таъсири. // Huquq va burch. 2010. - №2 (50). - Б. 53-54. (Jalilov O. Impact of the environment on crime. // Right and duty. 2010. - No. 2 (50). - B. 53-54.)
10. Крутько О. Қасдан одам ўлдириш. // Ҳаёт ва қонун. 2005. - №3. - Б. 38-39. (Krutko O. Intentional killing // Life and Law. 2005. - No. 3. - B. 38-39.)
11. Журавель Е.Г. Психические состояния личности и их психолого-правовая оценка // Юридическая психология. 2011. - №1. - С. 2-4. (Zhuravel E.G. Mental states of personality and their psychological and legal assessment // Legal Psychology. 2011. - No. 1. - S. 2-4.)
12. Марковичева Е.В. Использование судебно-психологических и комплексных судебных психолого-психиатрических экспертиз в доказывании по уголовным делам // Юридическая психология. 2008. - № 5. -С. 11. (Markovicheva E.V. The use of forensic psychological and comprehensive

---

---

forensic psychological and psychiatric examinations in evidence in criminal cases // Legal Psychology. 2008. - No. 5. -С. eleven.)

13. Ратинова Н.А. Саморегуляция поведения при совершении агрессивно-насильственных преступлений: Диссертация... канд. психол. наук..М., 1998. -С. 208. (Ratinova N.A. Self-regulation of behavior when committing aggressively violent crimes: The dissertation ... psychol. Sciences .. М., 1998. - S. 208.)

14. Хамидов Д.Х. Значение типологии личности преступника в организации общей профилактики насильственных преступлений. // Хуқуқ - Право - Law.2002. - №4. - С. 38-41. (Khamidov D.Kh. The importance of the typology of the identity of the offender in the organization of the general prevention of violent crimes. // Law - Pravo - Law.2002. - No. 4. - p. 38-41.)

15. Раджабов Ш.Р. Уголовно-правовой и криминологический анализ убийств, совершённых в состоянии аффекта: Диссертация... канд. юрид. наук. Махачкала, 2003. - С.192. (Radjabov Sh.R. Criminal law and criminological analysis of murders committed in the state of passion: the Dissertation ... cand. legal sciences. Makhachkala, 2003. -- P.192.)

16. Ниёзова С. Жиноят ва виктимологик таҳлил. // Huquq va burch. 2009. - №9 (45). - Б. 49-51. (Niyazova S. Crime and Viktimological Analysis. // Right and duty. 2009. - No. 9 (45). - В. 49-51.)

17. Абдурасулова Қ. Р., Зокирова О. Криминология. Ўқув-услубий қўлланма-Т. : ТДЮИ, 2003. - Б.77 (Abdurasulova Q. R., Zakirova O. Criminology. Educational-methodical manual - Т. : TSIL, 2003. - В.77)

18. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 26 ноябрдаги 07/18-280-сон хати. (Letter from the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated November 26, 2018 № 07 / 18-280.)

19. Абдурасулова Қ. Р., Зокирова О. Криминология. Ўқув-услубий қўлланма-Т. : ТДЮИ, 2003. - Б.77 (Abdurasulova Q. R., Zakirova O. Criminology. Educational-methodical manual - Т. : TSIL, 2003. - В.77)

20. Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. - М.: Юрид. лит., 1992. - С. 243. (Antonyan Yu.M. Crime among women. - М. : Yurid. lit., 1992. - S. 243)

21. Абдурасулова Қ. Р., Зокирова О. Криминология. Ўқув-услубий қўлланма-Т. : ТДЮИ, 2003. - Б.77 (Abdurasulova Q. R., Zakirova O. Criminology. Educational-methodical manual - Т. : TSIL, 2003. - В.77)

22. Ольшевская О. Роль и значение эмоций. - Минск: Беларусь, 1968.-С.18. (Olshevskaya O. The role and importance of emotions. - Minsk: Belarus, 1968. - P.18.)

23. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистик маълумотлари. (Statistical data of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan.)

---

---

**12.00.09 УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА,  
ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА**

**Д.М.Миразов,**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти кафедра бошлиғи,  
Юридик фанлар доктори, доцент,  
**Р.Ташбоев,**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий  
Кенгаши ҳузуридаги Олий суди судьялар  
мактабининг кафедра мудири



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-10-5>

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВ  
УСТИДАН СУД НАЗОРАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация:** в статье раскрыты теоретические и практические вопросы ведения государственного лесного кадастра в ракурсе общего лесопользования. Автором проанализированы соответствующие нормативно-правовые акты в сфере ведения государственного лесного кадастра, изучен зарубежный опыт и разработаны практические предложения по дальнейшему совершенствованию законодательства в сфере ведения государственного лесного кадастра Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** лес, государственный лесной кадастр, нормативно-правовая база, постоянная обновляемость, транспортная доступность, плантационное выращивание, экологический туризм, инвентаризация автомобильных дорог.

**Д.М.Миразов,**

Начальник кафедры Военно-технического института  
Национальной гвардии Республики Узбекистан,  
Доктор юридических наук, доцент  
**Р. Ташбоев,**

Заведующий кафедрой Высшей школы судей  
при Высшем судейском совете  
Республики Узбекистан

**ОСОБЕННОСТИ СУДЕБНОГО КОНТРОЛЯ НАД  
ДОСУДЕБНЫМИ ПРОЦЕДУРАМИ ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ**

**Аннотация:** В статье на основе изучения нормативно-правовых актов и научных трудов осуществлен теоретико-правовой анализ судебного контроля за досудебным производством по уголовным делам, сделаны научно-теоретические выводы, предложена классификация судебного контроля.

**Ключевые слова:** судебный контроль, закон, нормативно-правовой акт, управление, прокурорский надзор, административный надзор.

---

---

D.M.Mirazov,

Head of the Department of the Military Technical Institute  
National Guard of the Republic of Uzbekistan,  
Doctor of Law, Associate Professor  
R.Toshboev,

Head of the Department of the  
Higher School of Judges at the  
Supreme Court Council of the  
Republic of Uzbekistan

## FEATURES OF JUDICIAL CONTROL OVER PRE-TRIAL PROCEDURES ON CRIMINAL CASES

**Annotation:** In the article on the basis study corresponding to norm-lawful document and scientific edition accomplishment theoretical-lawful analysis conceptions judicial control over pre-trial criminal proceedings, to draw a conclusion and classification judicial control.

**Key words:** judicial control, law, norm-lawful document, management, prosecutor supervision, administrative supervision.

**For citation:** D.M.Mirazov, R.Toshboev. FEATURES OF JUDICIAL CONTROL OVER PRE-TRIAL PROCEDURES ON CRIMINAL CASES. Journal of Law Research. 2019, 10 vol., issue 1, pp. 44-49

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадри ҳамда бошқа шахсий ҳуқуқлари олий неъмат деб эътироф этилган. Унинг 25-моддасида "ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас", 19-моддасида эса "Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас", деб таъкидланган [1].

Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлашдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро мажбуриятлари билан ҳам тасдиқланади. Хусусан, 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига [2] асосан "Жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга"лиги қайд этилган.

Айнан шу ҳалқаро стандартларнинг мамлакатимиз қонунчилигига инкорпорация қилиниши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ва унга асосан 2007 йил 11 июлда қабул қилинган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни [3]да белгиланган талабларданлиб чиққан ҳолда мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб жиноят ишлари

---

2019 №10

---

---

бўйича шахснинг конситуциявий ҳуқуқларини чекловчи процессуал мажбурлов чоралари суднинг рухсати (санкцияси) билан қўлланилиши тартиби жорий этилди.

Бу орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўли билан тажрибамизни жаҳон андозаларига мослаштириш борасида самарали механизмни ишга туширилди. Бугунги кунда мазкур механизм доирасида жиноят ишлари бўйича процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тарафларнинг тортишуви асосида ишдаги мавжуд далиллардан келиб чиқиб суд томонидан ҳал қилиниши йўлга қўйилди. Бу эса ўз навбатида жиноятларни очиш, тергов қилиш усул ва услубларини такомиллаштирилишига хизмат қилганлигини эътироф этиш даркор.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида - фуқаролар шахсий ҳаёти дахлсизлигининг конституциявий кафолатларини, шу жумладан, тинтув ва телефон орқали сўзлашувларни эшитиб туришга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиши вазифаси сифатида белгиланганлиги мазкур йўналишдаги ислоҳотларнинг босқичма-босқич узвий давом этирилаётганлиги ҳақида далолат беради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан бири бўлган суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан суд назоратини ўрнатиш судга қадар иш юритуви давомида қонун бузилишларининг олдини олишда қўшимча кафолат бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, судга қадар иш юритув жараёни устидан суд назоратини жорий қилиш ва шакллантириш билан боғлиқ тарзда бир қатор муаммолар юзага келиб, уларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал этилиши жиноят процессида шахс ҳуқуқлари таъминланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу, энг аввало, судга қадар иш юритиш жараёнари устидан суд назоратининг предмети ва чегаралари, унинг қонуний тартибга солиниши, натижалари ва уларнинг аҳамияти билан узвий боғлиқдир. Фикримизча, ушбу масалалар нафақат назарий жиҳатдан ўрганилиши, қонун ижодкорлиги орқали тартибга солиниши, балки жиноятларни тергов қилиш фаолиятида бугунги кунда мавжуд бўлган амалиётни, ҳақиқий ҳолатни ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши керак.

Кўриниб турибдики, одил судловни амалга ошириш бўғинлари ва босқичларини ислоҳ қилиш жараёни изчиллик билан давом этирилмоқда. Бундан асосий мақсад суднинг амалда мустақиллигини таъминлашда эканлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан такрор ва такрор айтилмоқда. Айнан шунинг учун "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4850-сон Фармонида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор

---

---

йўналишлари этиб белгиланганлиги катта аҳамиятга эгаллигини тан олиш даркор. Айнан шу Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Қонуни [4] билан мурдани эксгумация қилиш ва почта-телеграф жўнтмаларини хатлаш тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш ваколоти судларга ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу институтнинг мамлакатимиз жиноят процессида жорий этилиши шахснинг Конституция нормалари билан кафолатланган шахсий дахлсизлик ҳуқуқи фақат суд томонидан чекланиши мумкинлигини қонуний тартиби ўрнатилишига ва амалда рўёбга чиқарилишга олиб келди.

Юқорида келтирилган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида янги институт - суд назорати институтининг жорий қилинганлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди. Суд назорати институти судларнинг одил судловни амалга ошириш функцияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у шахснинг жиноят ишига доир ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг дастлабки тергов босқичида ҳам таъминланишига хизмат қилади.

Жиноят процессининг судга қадар иш юритиш босқичларида суд ваколатларининг кенгайтирилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асосиз жиноий таъқиб ва шахсий ҳаётига аралаштиришдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш заруратидан келиб чиққан.

Бугунги кунда жиноят процесининг судгача иш юритув босқичлари устидан суд назоратининг мақсадларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- 1) эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш, унинг муддатини узайтириш;
- 2) эҳтиёт чораси сифатида уй қамоғини қўллаш, унинг муддатини узайтириш;
- 3) ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг қонуний ва асосланган равишда қўлланилганлигига баҳо бериш, унинг муддатини узайтириш;
- 4) лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чорасини қўллаш;
- 5) тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чорасини қўллаш ва муддатини узайтириш;
- 6) мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатини ўтказишга рухсат бериш
- 7) почта-телеграф жўнтмаларини хатлаш тергов ҳаракатини ўтказишга рухсат бериш.

Суд назорати процессуал шакл доирасида амалга оширилиб, суриштирув ва дастлабки тергов идоралари томонидан қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш ёки улар томонидан бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг аввалги ҳолатини тиклаш учун амалга оширилади.

Шу билан бирга суд назорати институти жиноят процессида ҳуқуқни тиклаш функциясини амалда ишлашини таъминлашга хизмат қилади. Чунки суд, биринчидан суриштирув ва дастлабки тергов органларининг ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлигини ва асосланганлигини текшириш имкониятига эга

---

---

бўлган бўлса, иккинчидан у суриштирув ва дастлабки тергов органининг ноқонуний ва асосиз қарорларини (масалан, ушлаб туриш бўйича) бекор қила олиши мумкин.

Суд назоратини амалга ошириш орқали судлар жиноят процессининг иштирокчисига айланган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашининг кафолати бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шундай қилиб, жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув суд назорати Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари асосида суриштирув, дастлабки тергов ва прокуратура органларининг инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларини чеклашга қаратилган ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини таъминланишига хизмат қилади.

---

### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., 2018 (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. - Т., 2018).

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро шартномалар: тўплам. -Тошкент, 2004. -Б.40 (International human rights treaties: collection. -Tashkent, 2004. -P.40).

3. "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни // Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т., 2007. -Б.18-34 (Law "On introducing amendments and addenda to some legislative acts of the Republic of Uzbekistan in connection with the transfer of the right to issue arrest warrants to courts". -Т., 2007. -P.18-34).

4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 13-сон, 194-модда (Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, № 13, Article 194)



---

---

**12.00.07 СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ХУҚУҚНИ  
МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. АДВОКАТУРА**

**Давлетов Ўткирбек Матмуратович,**

Миллий гвардия ҳарбий-техник институти  
докторанти, майор



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-10-6>

## **СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР: ТАКОМИЛ САРИ**

**Аннотация:** Мақолада судлар мустақиллиги ва уларнинг фуқаролик жамияти институтлари олдидagi масъулиятини белгилаш, шаффофликни таъминлаш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини алоҳида мақомга эга шахс ва фуқаро сифатидаги ҳимоясининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

**Таянч иборалар:** Ҳарбий судлар, уларнинг мақоми, фуқаролик жамияти, шаффофлик, ҳолислик ва беғаразлик, тарафлар музокараси, суд муҳокамаси, видеоконференцалоқа ҳамда хорижий тажрибаси.

---

**Давлетов Уткирбек Матмуратович,**

Докторант Военно-технический институт  
Национальной гвардии, майор

## **СУДЕБНАЯ РЕФОРМА: К СОВЕРШЕНСТВУ**

**Аннотация:** В статье подчеркивается независимость судов и их ответственность перед институтами гражданского общества, обеспечение прозрачности и определение прав и свобод военнослужащих как отдельных лиц и граждан с особым статусом.

**Ключевые слова:** Военные суды, их статус, гражданское общество, прозрачность, беспристрастность и беспристрастность, переговоры сторон, судебные процессы, видеоконференции и зарубежный опыт.

---

**Davletov Utkirbek Matmurovich,**

Doctoral student Military Technical Institute  
of the National Guard, major

## **JUDICIAL REFORMS: TO PERFECTION**

**Annotation:** The article emphasizes the independence of the courts and their responsibility to civil society institutions, ensuring transparency and defining the rights and freedoms of military personnel as individuals and citizens with special status.

**Key words:** Military courts, their status, civil society, transparency, impartiality and impartiality, negotiations of the parties, litigation, video conferences and foreign experience.

---

**For citation:** Davletov Utkirbek Matmurovich. JUDICIAL REFORMS: TO PERFECTION. Journal of Law Research. 2019, 10 vol., issue 1, pp. 48-53

---

---

**Х**еч кимга сир эмаски, сўнгги уч йил давомида халқ билан яқиндан мулоқат қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш, айнан халқимизнинг манфаатларини ҳисобга олиб, ижтимоий адолатни таъминлаш бўйича энг муҳим институт бўлган суд-ҳуқуқ соҳасида, унинг мустақиллигини амалда таъминлаш борасида ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Давлат ҳокимиятининг муҳим тармоғи ҳисобланган суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақидаги ахборотлардан фуқароларнинг хабардор бўлиб боришини таъминлаш мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида муҳим масалалардан ҳисобланади.

Шу ўринда судлар мустақиллиги ва уларнинг фуқаролик жамияти институтлари олдидаги масъулиятини белгилашда, шаффофликни таъминлашда ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини алоҳида мақомга эга шахс ва фуқаро сифатидаги ҳимоясини кафолатлашда судьялар мақоми муҳим аҳамиятга эга[1]. Зеро, суднинг мақоми, унинг ваколати ва мустақиллиги демократик давлатнинг аниқ кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқшунослик соҳасида судьяларнинг ҳуқуқий мақомини ўрганишга ҳар доим катта эътибор қаратганлигига қарамай, уларнинг мақомини меъёрий тартибга солишнинг айрим масалалари махсус тадқиқотларда етарли даражада акс этмаган.

Фикримизча, давлатимиз қонунчилик тизимининг ўзига хос хусусиятларини ва қонунчиликни ривожлантириш соҳасидаги миллий тарихий тажрибани ҳамда ҳорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини ҳисобга олган ҳолда "Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари судьяларининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш лозим.

Бу борада ошкоралик принципини амалда таъминлаш механизмлари-нинг ишлашини тартибга солувчи конституциявий, ҳарбий, процессуал ва турли хил юридик кучга эга бўлган ўзаро боғлиқ қонунлар мавжудлигини қайд этган ҳолда айрим қонуний асосда мустақамланган ва иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳуқуқий нормаларнинг маънан эскирганлигини ҳам эътироф этиш лозим.

Жумладан:

1) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди республикаимизнинг турли ҳудудларида жойлашганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ва ҳудудий ҳарбий судларда видеоконференцалоқа тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Олий суд расмий веб-сайти орқали суд мажлислари онлайн-трансляциясининг (суд иштирокчиларининг розилиги билан) жорий этилиши суд ишларини тезкорлик билан қўришга, очиқлик ва ошкораликни, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашга, фуқароларнинг (ҳарбий хизматчиларнинг) вақти ва маблағлари тежалишига, ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қилади. Яна бир муҳим жиҳати Республика ҳарбий суди раҳбариятининг шахсий қабулларини ташкил этишда айни муддаодир.

Бу борада, Президентимизнинг 2017 йил 30 августдаги "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори[2] билан тасдиқланган 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастурнинг амалий ижроси изчиллик билан таъминланмоқда.

---

---

Дастур асосида суд иштирокчилари учун қатор қулайлик ва имкониятлар яратган. Жумладан, интерактив хизматлар - [www.sud.uz](http://www.sud.uz), [www.oliysud.uz](http://www.oliysud.uz) ва [www.suprcourt.uz](http://www.suprcourt.uz) сайтлари замонавий технологияларнинг сўнгги ютуқ ва имкониятларидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилиши белгилаб қўйилди.

Фойдаланувчилар ушбу сайт орқали, ҳарбий суд ишлари билан боғлиқ бўлган маълумотларни ҳисобга олмаганда, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий суд ишлар бўйича бази маълумотларни осон топиши мумкин. Мисол учун: "Фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш намуналари" дунёнинг ҳеч бир суд тизимида мавжуд эмас. Айни пайтда, сайтга фуқаролик ишлари бўйича даъво аризалари, илтимоснома ва аризалар, шунингдек шикоятларнинг ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларидаги 500 га яқин намуналари жойлаштирилган.

Айтиш керакки, суд жараёнларининг интернет ёки мессенджер ёрдамида ўтказилиши тарихда биринчи бор Хенань провинциясининг Чжэнчжоу шаҳрида содир бўлди. Бу ҳам ўзига хос тарихий тажрибага айланди. Бу ҳақда China Daily' да ёзилишича[3] We Chat мессенжеридан узоқ шаҳарда яшовчи судья ва адвокатлар учун мулоқот воситаси сифатида фойдаланилган. Гувоҳлик чатдаги овозли ёзувда сақлаб олинди ва иш материалларига киритилди.

Агар бу янги тартиб оммалашадиган бўлса, судлардаги турли тирбандликлар ва овворагарчиликлар янада камаяди. WeChat платформаси эса ташкилий ишлар, мураккаб жараёнларни тезлаштириш ва осонлаштириш учун қулай воситага айланиши мумкин.

2) ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларнинг шахсий ёки мулкый ҳуқуқларининг бузилиши деб тан олиш учун етказилган мулкый зиённинг кўп миқдорни ташкил этиши лозимлигига эътибор қаратиш керак.

Жиддий зиён тушунчаси ўз ичига ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти учун хос бўлган жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зиённи ҳам қамраб олади. Шунга кўра, жабрланувчининг соғлиғини қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасдан баданга енгил шикаст етказилган ҳолатда судлар ушбу ҳаракат интизомий (маъмурий) жазо қўлланилгандан сўнг содир этилганлигига эътибор қаратишлари лозим.

Амалиётда соғлиғининг бузилишига сабаб бўлмаган енгил тан жароҳати етказилганида маъмурий (интизомий) жавобгарликка тортилганли-гига эътибор бермасдан ЖК 301-моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилмоқда[4]. Фикримизча, бу ҳолатда аввал шу ҳаракат учун интизомий (маъмурий) жавобгарликка тортилганлик ҳолати мавжуд бўлиши лозим деб ҳисобланиши билан бир қаторда, ҳарбий жиноятлар оид санкцияларда жарима жазосини киритиш ҳам мақсадга мувофиқ.

3) жиноят процессуал кодексининг 84-моддасида жиноят иши шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилимай туриб тугатилиши мумкинлиги ҳақидаги норма белгиланган.

Мазкур моддада белгиланган, яъни шахснинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилишига хизмат қиладиган нормалар қаторига "Ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда" деб номланган 4-бандни киритиш лозим. Бу ўз навбатида, жиноий жазоларни янада либераллаш-тиришга, шунингдек, жиноят ишини тугатишга, тергов жараёни ёки суд муҳокамаси даврида муддатларнинг

---

---

қиқаришига, суд юртивининг бир мунча содалаштиришга ва суд даврида ортиқча сансалорликка чек қўйишга хизмат қилади.

4) жиноят иши тамомлангандан кейин ундаги материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқини таминлаш деб номланган Жиноят процессуал кодексининг 375-моддаси 3-бандидаги "...башарти улар хоҳласи" деган сўзни чиқариб ташлаш ва бундан ташқари "...сўнг терговчи кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчиларининг илтимосига мувофиқ, танишиб чиқиш учун унга ишни тақдим этади" деб кўрсатилган нормани[5] "...сўнг терговчи ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишлари ва ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни кўчириб олишлариغا имконият яратиши шарт" мазмунида ўзгартирилиши бу билан амалиётида учраб турган баъзи бир муаммоларни, яъни процесс иштирокчилари иш материаллари билан танишмаганлиги хусусида илтимоснома киритишиб, башарти улар дастлабки тергов жараёнида қатнашган бўлсалар ҳам иш билан танишмаганлиги сабабли танишиш учун вақт сўраб, сунъий равишда ишни кўриш муддатлари чўзилаб кетиш олди олинади.

5) ЖПК 25-моддасининг 5, 6-қисмларига кўра суд айблав ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон бир манфаатларини ифодаламайди.

Суд холислик ва бегаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлари яратиб беради.

Қонуннинг ушбу талабларидан келиб чиққан ҳолда суднинг исбот қилиш иштирокчиси деб тан олиншини тўғри деб бўлмайди ва шунга кўра, судни исбот қилиш иштирокчилар (ЖПКнинг 86-моддаси) қаторидан чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунида белгиланган суднинг вазифаларига ҳам тўғри келмайди[6].

Ўз ўрнида савол туғилади, "Суд нимани исботлайди?"

Фикримизча айбини прокурор, айбсизлигини эса адвокат исботлаши керак. Суд эса бегараз ҳолда далилларга баҳо бериши шарт.

6) ЖПКнинг 449-моддасида тарафлар музокарасининг мазмуни ва тартиби белгиланган бўлиб, суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасини ешитишга ўтади. Музокара давлат айбловчисини нутқи билан бошланади, бироқ давлат айбловчиларининг музокараси уларнинг музокарага тайёр эмаслиги важи билан ноаниқ кунга қолдириб келинмоқда ва бу суд жараёнини ҳам асоссиз равишда чўзилишига сабаб бўлмоқда, суд эса баённомада кейинги суд мажлиси кунини давлат айбловчисининг музокарага тайёр бўлганини билганидан сўнг кўрсатади, бироқ баённомада судлар кейинги суд мажлиси кунини шунча танаффус билан белгилангандай кўринади. Шу сабабли, суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасини эшитишга ўтганда, давлат айбловчиси дарҳол музокара қилиши, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай музокара қилиши лозимлиги белгиланиши лозим.

7) ЖКнинг 104,105,109-моддаларида ҳамда МЖТҚнинг 52-моддаси-нинг диспозициясида тан жароҳати даражаси белгилангани каби тан жароҳати етказишда ифодаланган ҳарбий жиноятларнинг диспозициясида ҳам тан жароҳати даражасини белгилаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг ҳарбий хизматдаги ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган қонунчилик тизимини замон

---

---

таблари даражасида либераллаштириш ва ҳуқуқий тартибга солиш лозим бўлади. Зеро, ҳарбий қонунчилик Қуролли Кучларнинг мақсади бўлиб, давлат суверенитети, ҳалқимизнинг тинч, осойишта ҳаётини таъминлаш, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ўташ тартибини белгилайди.

Ушбу масалалар ва муаммоларни ҳарбий ҳуқуқ доирасида кенг ҳуқуқий таҳлил қилиш зарурати ҳарбий билим вакиллари тегишли масалалар бўйича ўз нуқтаи назарларини ва ҳарбий адлия органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида тегишли тавсияларни бажариш учун кенг имконият билан таъминлайди.

---

#### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. Буробин В.Н. Правовой статус судьи военного суда. Автореф. дисс. на соискание уч. ст. канд. юрид. наук. - М., 1996. (Буробин В.Н. Правовой статус судьи военного суда. Автореф. дисс. на соискание уч. ст. канд. юрид. наук. - М., 1996), (Burobin V.N. Legal status of a judge of a military court. Abstract. diss. for the competition Art. Cand. legal sciences. - M., 1996).

2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли Қарори / ЎР ҚХТ, 2017 й., 36-сон, 948-модда. (Постановление Республики Узбекистан № ПП-3250 от 30 августа 2017 года / ННО Республики Узбекистан, № 36, 2017), (Decree of the Republic of Uzbekistan No. PP-3250 dated August 30, 2017 / NGO of the Republic of Uzbekistan, No. 36, 2017).

3. China Daily пресс-службу суда, 22 января 2018. (China Daily court press service, January 22, 2018).

4. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли қонуни таҳририда - ЎР ҚХТ, 2017 й., 13-сон, 194-модда. (Закон Республики Узбекистан от 29 марта 2017 года № ZRU-421 - РУз РУз, № 13, 2017, ст.), (The Law of the Republic of Uzbekistan dated March 29, 2017 No. ZRU-421 - RUz RUz, No. 13, 2017, Art).

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т., "Адолат", 2017. (Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан. Министерство юстиции Республики Узбекистан. - Т., Правосудие, 2017.), (The Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan. Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan. - T., Justice, 2017).

6. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 17 апрель, 15-сон, 242-модда. (Закон Республики Узбекистан "О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан "О судах" от 12 апреля 2017 года // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 17 апреля 2017 года, № 115), (The Law of the Republic of Uzbekistan "On Amendments and Additions to the Law of the Republic of Uzbekistan "On Courts" of April 12, 2017 // Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, April 17, 2017, No. 115).

---

---

**12.00.01 ТЕОРИЯ И ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА.  
ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ**

**Abdullaeva Feruza Boxir qizi,**

Student of the University of  
World Economy and Diplomacy  
E-mail: feruza1997.fb@gmail.com  
**Bakhodir Abdumannanovich Samadov,**

PhD, Professor, Fulbright scholar.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-10-7>

**FUTURE OF LAW: HOW TECHNOLOGIES CAN CHANGE THE  
PROFESSION**

**Annotation:** The given article aims to provide a quick review of opportunities and dangers caused by implementing technologies into lawyers' everyday life. It analyzes the latest achievements in the sphere and tries to predict the course of its further development. The article informs the reader about useful applications and programs which facilitate personal and professional development in the legal sphere.

**Key words:** Artificial intelligence, automatization, CasePro, Lexis Nexis, pretrial risk assessment algorithms.

---

**Abdullayeva Feruza Boxir qizi,**

Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti talabasi  
E-mail: feruza1997.fb@gmail.com  
**Bakhodir Abdumannanovich Samadov,**

f.f.d., professor, Fulbright premyasining sohibi.

**HUQUQNING KELAJAGI: TEXNOLOGIYALAR KASBNI QANDAY  
O'ZGARTIRIB YUBORISHI MUMKIN**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada axborot texnologiyalarini yurist kasbida ishlatilishining oqibatlarini qisqach tahlil qilinadi. Bundan tashqari, shu sohada ilg'or kashfiyotlar o'rganilib chiqiladi va ularning kelgusi rivojlanishiga baho berib o'tiladi. Maqola huquqiy sohada shaxsiy va kasbiy rivojlanishga yordam beradigan foydali dasturlar haqida ham ma'lumot beradi.

**Kalit so'zlar:** Sun'iy intellekt, avtomatlashtirish, CasePro, Lexis Nexis, sudgacha bo'lgan xavfni baholash dasturi.

---

**Абдуллаева Феруза Бохир кизи,**

Студентка Университета мировой экономики и дипломатии  
E-mail: feruza1997.fb@gmail.com  
**Баходир Абдumannanovich Самадов,**

д.ф.н., профессор, лауреат Фулбрайтской премии.

**БУДУЩЕЕ ПРАВА:  
КАК ТЕХНОЛОГИИ МОГУТ ИЗМЕНИТЬ ПРОФЕССИЮ**

---

---

**Аннотация:** В данной статье приводится краткий обзор возможностей и рисков, связанных с внедрением технологий в повседневную жизнь юристов. Она анализирует последние достижения в этой области и дает оценку дальнейшему ходу их развития. Кроме того, в статье приводится перечень полезных приложений и сайтов, которые облегчат личное и профессиональное совершенствование в сфере права.

**Ключевые слова:** Искусственный интеллект, автоматизация, Кейспро, Лекис Нексис, программа оценки досудебных рисков.

**For citation:** Abdullaeva Feruza Boxir qizi, Bakhodir Abdumannanovich Samadov. FUTURE OF LAW: HOW TECHNOLOGIES CAN CHANGE THE PROFESSION. Journal of Law Research. 2019, 10 vol., issue 1, pp. 54–58

XXI century has become a truly digitized era. As technologies are growing deeper into modern world, lawyers start concerning what effect it can have on profession. With no doubt, IT makes our lives easier and law is no exception. However, no good comes without bad, so future perspectives promise some tension as well.

First, let's consider the advantages. Many of us have seen the classical movies where lawyers are buried under tons and tons of paper... Good news is that this can happen no more and the reason is automatization. Many programs nowadays offer such options as digitizing all the documents, making the samples of claims, sorting out all the court practice and even preventing risks of the business. As an example one could test CasePro, one of the most popular apps especially in Post-Soviet countries. All this beauties of innovation turn lawyer's everyday routine from immensely boring into really joyful.

Technologies also contribute a lot to client communication. The 2017 Law Firm Flexibility Benchmarking Survey found that 64.7% of law firms allow their lawyers to telecommute. [1] Setting up unified communication tools enable lawyers to work remotely while diversifying the ways they communicate with clients and each other. By using these tools, lawyers are able to be more productive. Lawyers can communicate with clients wherever and whenever they are needed.

Unified Communication and Collaboration solutions allow lawyers and clients to communicate using instant messaging, email, voicemail, or web conferencing. Clients can talk with their attorneys over the Internet in lieu of traveling to a law office.

The tech startup LawGeex uses artificial intelligence to analyze contracts and automate the editing and approval process. [2] The organization claims it can use analytics to reduce the cost of contract reviews by 90% and save law firms 80% of the time they normally devote to contract review tasks.

When considering the nature of the effects of technology it can be helpful to bear in mind a distinction that is commonly drawn between automating and innovating. An example of technology that is merely sustaining might be the optimization of a work process via automation; that is, completing work faster without otherwise altering the basic structure of the original process. Certainly, this kind of change can be highly significant: automation can produce vastly improved business practices. It can result in better client engagement, driving down costs (and placing pressure on competitors). Innovative technologies by definition potentially affect the whole legal ecosystem, including regulation and education, as well as how solicitors structure practices and deliver services. [3]

Technologies are also used in courts. For example, in USA criminal courts often try special pretrial risk assessment algorithms to predict crimes rate and behavioral patterns

---

---

of criminals. Through giving the recommendations to judges those artificial intelligence machines make the data analyze and decision-making processes easier. Furthermore, e-filing - filing documents electronically with the court - has become commonplace and Federal and state courts are posting court filings on web-based databases, allowing counsel to access court documents remotely. A growing number of courtrooms are now equipped with all the bells and whistles of an electronic age. Built-in monitors and equipment facilitate the use of trial presentation software and other technology in the courtroom.

Technologies also provide great opportunities for law students, as they are no longer limited to knowledge provided in their alma-mater. Online platforms are widely spread and they can provide students with lectures and whole modules from the professors of leading law schools, such as Yale, Stanford, Leiden etc. What is even better is that all this knowledge is absolutely free, except maybe the cases when you might want to require a certificate. It should also be stated that any law student who has a tablet or PC or any other device with internet connection can get the access to any webinar, online-translation on absolutely any topic he/she is interested in.

Many opportunities appear in the sphere of recruitment into law firms. Such firms as White&Case, KPMG, King & Wood Mallesons and others offer online simulations of their practice. [4]

A student can learn some practical skills required in such firms and learn to write documents and do other things. After accomplishing all the tasks, a student can add this experience into his/her CV. Moreover, the results of students' tasks can be reviewed by potential employers and they can get a job offer from top law firms!

However, technologies never stop developing. Unlike humans who often prefer laziness and apathy. So there is no wonder that at some point IT begins competing with them. For example, in UK it became legal for a special program called "Amazon Alexa" to give medical consultations. This makes us think that not much time will pass until "Legal Alexa" appears. Of course, medical issues are way more frequent than legal ones, yet such possibility still exists.

Automatization was mentioned earlier. At that point one might have thought that it's quite great. Well, it is indeed. However, it's a coin with two sides. If all the samples of documents are digitized the access to them will be made easier. Artificial intelligence platforms through data processing are already able to adapt those samples to human needs and are even able to issue small claims in courts. This means that some lawyers who have a mediocre qualification and skills will be squeezed out of labor market, because less people will seek legal aid from professional lawyers. Even now, when these technologies not being developed enough many people search for the solutions of legal problems in internet or call-centers. Of course now it doesn't affect the careers because the quality of such legal solutions is quite lame. However, imagine what will happen if the quality gets better.

Even now AI can perform tasks which save the average associate solicitor hours in billable time-such as automating the drafting of lengthy commercial contracts, and undertaking due diligence and other time saving processes-allowing them to get on with the important legal work. While such innovative breakthroughs in AI are groundbreaking in today's legal context, new technologies quickly become the indispensable norm. [5]

Of course, the profession of lawyer will still exist in the future. Technologies are created by humans and they are often flawed. For example, the above-mentioned



---

---

algorithms, specifically PSA (public safety assessment), used in decision-making of judges are based on special characteristics such as arrest record, domicile, place of work, qualifications. Sometimes they even include criteria of owning the house or even a smartphone. This data is distorted. If to assess the risks on such characteristics there will occur discrimination based on gender and race. Because basically black men are thought to be riskier than white women or even white men (e.g. in drug dealing cases black people are more likely to be identified as risky), even though it may be far from truth. So such algorithms often represent fears of judges instead of being truly objective. [6]

Moreover, artificial intelligence is limited in the perspective of data-processing. What is meant is that if some piece of information is missing, human will be able to identify it but the program will create a flawed outcome as it's limited to the amount of information presented. Also it is limited to what is written in laws and cannot create solutions based on psychology etc. Apart from that, the means of confidentiality also require humans.

However, we cannot separate the world into black and white. One must remember that the main goal of introducing technologies to legal profession is to ensure that the work gets done better than ever before. This is the reason why true benefit will be gained not if lawyers will be afraid of machines, but if lawyers and machines collaborate. Adoption of technologies can help to stick to clients' rising demands. Many lawyers, especially in-house, cannot perform well enough if they do not engage innovations and new tech-tools.

After all, in some sense, technologies created more work to do for lawyers. New spheres of law have appeared, such as fintech, block chain, cybersecurity and privacy etc. Kenneth Cukier, author and senior editor for The Economist, says: "In the next five, 10, 20 years, we are looking at a new wave of computing in society, very similar to what happened around 1995 to 2015. Then it was the internet applying to all manner of life; now it is going to be AI applying to all manner of life and we are going to take every problem we can, turn it into a prediction problem and then solve it with AI". [7] And of course, all this new spheres of AI application shall be regulated by law, creating more professional fields for lawyers!

Analyzing all the above said, let's create a check-list of skills and knowledge required to survive in our digitized world.

Classical set:

- great knowledge of substantial and procedural law
- advocacy
- critical thinking
- searching skills
- great writing skills
- attention to detail
- communication skills
- the ability to sell "the product"
- financial management
- basic computer skills

Bonus set:

- zoom-in/ zoom-out thinking
- flexibility
- personal branding
- out-of-box thinking

- 
- 
- strategic mindset
  - emotional intelligence
  - advanced technology skills
  - at least basic knowledge of cybersecurity and personal data protection
  - flexibility

In my opinion, those lawyers who have a classical set of skills and knowledge are good lawyers, but those who have a bonus set as well are true lawyers of future. Those lawyers are not afraid of uncertainty and are able to turn every situation into a benefit. Indeed, adoption of technologies is a very controversial process, but if one has enough guts to adapt to them, to stay dedicated to self-development and catch up with billions of new opportunities provided by automatization, one will be able to take all the advantages of changes and push the legal sphere forward.

Looking at the issue in the global context, we cannot deny that the quality of legal services and legal market will change tremendously. Sure, not everything will be smooth and absolutely positive, yet overall, it will be a huge step forward.

---

#### References/Iqtiboslar/Сноски

---

1. Law Firm Flexibility and Benchmarking Survey- Dfalliance, 2017 - <https://dfalliance.com/research/law-firm-flexibility-benchmarking-survey/#toggle-id-1>
2. LawGeex official website - [https://www.lawgeex.com/?utm\\_source=google&utm\\_medium=cpc&utm\\_campaign=Global\\_sch\\_brand&utm\\_adgroup=27388619163&device=c&placement=&utm\\_term=lawgeex&gclid=EA1aIQobChMI74T3hfHI2gIVQVYNCh1FngJg\\_EAAYASAAEgKxRvD\\_BwE](https://www.lawgeex.com/?utm_source=google&utm_medium=cpc&utm_campaign=Global_sch_brand&utm_adgroup=27388619163&device=c&placement=&utm_term=lawgeex&gclid=EA1aIQobChMI74T3hfHI2gIVQVYNCh1FngJg_EAAYASAAEgKxRvD_BwE)
3. The FLIP Report - the Law Society of New South Wales, 2017 - 116 p.
4. Online platform of practice simulation for Students - <https://www.insidesherpa.com/>
5. Survey "Lawyers and Robots? Conversations around the future of the legal industry" - LexisNexis, 2017 - [https://www.lexisnexis.co.uk/pdf/lawyers-and-robots.pdf?utm\\_source=robotsreport&utm\\_medium=landingpage&utm\\_content=\\_&utm\\_campaign=100229\\_robotsreport&\\_ga=2.209966101.1615379557.1529313036-1658041213.1529313036](https://www.lexisnexis.co.uk/pdf/lawyers-and-robots.pdf?utm_source=robotsreport&utm_medium=landingpage&utm_content=_&utm_campaign=100229_robotsreport&_ga=2.209966101.1615379557.1529313036-1658041213.1529313036)
6. Group of authors. Article: Technical Flaws of Pretrial Risk Assessments Raise Grave Concerns - MIT, 2019 - 6 p.  
Available at: [https://dam-prod.media.mit.edu/x/2019/07/16/TechnicalFlawsOfPretrial\\_ML%20site.pdf](https://dam-prod.media.mit.edu/x/2019/07/16/TechnicalFlawsOfPretrial_ML%20site.pdf)
7. Insight "Law technology risks and opportunities tectonic forces work - White&Case, 2018 - <https://www.whitecase.com/publications/insight/law-technology-risks-and-opportunities-tectonic-forces-work>

---

---

## 12.00.02 КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО. ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

Артиков Дилмурод Рахматиллаевич,

Тошкент давлат юридик университети  
Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: artikov.dilmurod@gmail.com



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-10-8>

### МАЪМУРИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТИЗИМИДАГИ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада маъмурий низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асоси, маъмурий низоларни ҳал этиш борасидаги миллий қонунчилигимиздаги муаммолар ва уларни ҳал этиш борасидаги таклифлар хорижий мамлакатлар ва илмий-назарий қарашлар асосида таҳлил қилинган. Соҳадаги муаммолар учта йўналишга бўлган ҳолда таҳлил қилинган. Жумладан, муаммоларни моддий, процессуал ва ташкилий асослари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** маъмурий низо, маъмурий юстиция, маъмурий тартиб-таомиллар, давлат бошқаруви, мансабдор шахс, маъмурий суд

---

Артиков Дилмурод Рахматиллаевич,

Преподаватель кафедры Государственного права и управления  
Ташкентского государственного юридического университета  
E-mail: artikov.dilmurod@gmail.com

### АНАЛИЗ ПРОБЛЕМ В СИСТЕМЕ РАЗРЕШЕНИЯ АДМИНИСТРАТИВНЫХ СПОРОВ И ИХ ОСОБЕННОСТИ

**Аннотация:** В статье анализируются правовые основы разрешения административных споров, проблемы национального законодательства в разрешении административных споров и предложения по их разрешению, основанные на научно-теоретических перспективах зарубежных стран. Проблемы в отрасли анализируются тремя способами. В частности, исследованы материальные проблемы обоснованные процессуального и организационного характера.

**Ключевые слова:** административный спор, административная юстиция, административные процедуры, государственное управление, должностное лицо, административный суд.

---

Artikov Dilmurod Rahmatillayevich,

Lecturer of Public Law and Administration Department  
of the Tashkent State University of Law  
E-mail: artikov.dilmurod@gmail.com

### ANALYSIS OF PROBLEMS IN THE SYSTEM OF RESOLUTION OF ADMINISTRATIVE DISPUTES AND THEIR FEATURES

**Annotation:** The article analyzes the legal basis for resolving administrative disputes, the problems of national legislation in resolving administrative disputes and proposals for resolving them, based on the scientific and theoretical prospects of foreign countries. Problems in the industry are analyzed in three ways. In particular, substantive problems of a procedural and organizational nature were investigated.

**Key words:** administrative dispute, administrative justice, administrative procedures, public administration, civil servant, administrative court.

---

2019 №10

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъуллиги маъмурий низоларни ҳал этиш тизимининг муҳим таркиби ҳисобланади. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида ҳам белгиланиб, бошқа қонун ва қонун ости ҳужжатлари учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида "Ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиниши, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланади" деб белгиланиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш ҳамда, уларга етказилган зарарни қоплаш тартиботини белгилашни назарда тутди. Давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қонун доирасида фаолият юритиши ва ўз вазифаларини оғишмай бажариши ҳам мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Зеро, давлатнинг ўз функцияларини аниқ ва ўз вақтида бажариши давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонуний ҳамда самарали иш юритуви билан бевосита боғлиқдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда маъмурий низоларни ҳал этиш тизимининг ҳуқуқий асоси яратилди. Лекин, мазкур тизимни амалга ошириш механизми борасида айрим муаммолар мавжуд. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари мукамал тартибга келтирилмаган ва ўз навбатида уларни қўллаш борасида камчиликлар мавжуд. Бу эса маъмурий низолар сонини ошишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, 2018 йил 8 январь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонунини амалда қўллаш борасида катта муаммолар мавжуд. Ваҳоланки, маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий адлия тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, улар бир бирини тақозо этади.

Бу борада Ж.Неъматов қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: "Маъмурий процедура деганда асосан маъмурий қарор чиқаришгача бўлган дастлабки процедуралар назарда тутилади. Маъмурий қарорлар чиқарилганидан кейинги процедуралар эса маъмурий юстицияда ўрганиладиган маъмурий тартибдаги шикоят мавзусида ўтилади"[1].

Маълумки, маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш борасида тегишли қонун ҳужжатларини нотўғри қўллаш ёки нотўғри талқин қилиш натижасида маъмурий низолар келиб чиқади. Бу эса шикоят механизмини ишга тушушига сабаб бўлади. Маъмурий низолар сонини камайтиришнинг муҳим омиллардан бири маъмурий орган ва манфаатдор шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи давлат бошқарувида оид қонун ҳужжатларини тартибга солиш ва уни мукамал қўллашдир.

Маъмурий низоларни олдини олиш фақатгина маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликни тартиб солиш билан ҳал этиб бўлмайди. Маъмурий иш юритишида маъмурий органлар маъмурий ҳуқуқнинг моддий ҳуқуқ нормаларига мурожаат қилишга мажбур. Бу ҳолатда маъмурий низоларни юзага келтирмайдиган қарорлар чиқариш ва ҳаракат(ҳаракатсизлик)лар қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада маъмурий орган маъмурий тартиб-таомиллар принципларига таяниш

---

---

муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- мутаносиблик;
- ишончлилик;
- тингланиш имкониятининг мавжудлиги;
- маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги;
- манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги;
- бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги;
- мазмунан қамраб олиш;
- маъмурий иш юритишининг "бир дарча" орқали амалга оширилиши;
- тенг ҳуқуқлилик;
- ишончнинг ҳимоя қилиниши;
- маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги;
- текшириш.

Германиялик олим Я.Циконинг таъкидлашича, маъмурий тартиб-таомиллар принциплари содда, мақсадга мувофиқ ва тезкор қўлланиши лозим[2]. Содда ва мақсадга мувофиқ деганда қуйидагиларни тушунишимиз мумкин:

Биринчидан, маъмурий ҳужжат қабул қилишда аниқ фактга асосланиши лозим; Иккинчидан, ишга алоқадор бўлмаган далилларни исботлаш шарт эмас;

Учинчидан, ёзма равишда асослаб берилган далиллар фуқарони бевосита иштирокида ҳал этилиши шарт эмас.

Маъмурий тартиб-таомиллар принципларини тезкор қўлланиши бу вақтни беҳуда сарфламасдан уни амалга ошириш лозимлиги англатади.

К.Давидов маъмурий тартиб-таомиллар принципларини қуйидаги хусусиятлари таъкидлаб ўтади:

1. Маъмурий тартиб-таомиллар принциплари тўғридан-тўғри қўлланади;
2. Маъмурий тартиб-таомиллар принциплари универсалдир;
3. Маъмурий тартиб-таомиллар принциплари очиқдир;
4. Маъмурий тартиб-таомиллар принциплари иерархик хусусиятга эгадир[3].

Ларс Брокернинг фикрича, маъмурий тартиб-таомиллар принципларини икки вазифаси мавжуд:

- мафаатдор шахснинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш;
- маъмурий орган томонидан қабул қилинган қарор демократияни қонунийлашганлигини акс эттириши керак[4].

Муҳим принциплардан бири одиллик принципи бўлиб, мазкур принципни келиб чиқиш тарихи англо-саксон ҳуқуқ тизимига бориб тақалади. Маълумки, роман-герман ҳуқуқ тизими ёзилган қонунчиликка амал қилинади. Бу эса мазкур принципни аҳамиятини пасайтириб юбориши мумкин. Яъни аниқ қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар тегишли тартиботни белгилаб беради. Лекин ушбу принципни қонун аналогияси юзага келганда қўллаш мумкин бўлади[5].

Мутаносиблик принципи маъмурий тартиб-таомиллар принциплари ичида алоҳида ўрин тутаяди. Моше Коен-Элиянинг таъкидлашича, мазкур принципнинг 2 та ўзига хос жиҳати мавжуд:

Биринчидан, маъмурий орган томонидан амалга ошириладиган ҳаракат эришиладиган мақсадга мувофиқ бўлиши лозим;

---

---

Иккинчидан, маъмурий тартибот натижасида шахсга етказилган зарар давлат кўрган фойдага муаносиб бўлиши лозим[6].

Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасида "Виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан қўриқланади. Маъмурий органлар манфаатдор шахсларнинг юзага келган маъмурий амалиёт билан боғлиқ қонуний қўрилган натижаларини ҳурмат қилиши шарт. Юзага келган маъмурий амалиётнинг ўзгартирилиши жамоат манфаатлари билан оқланган бўлиши, умумий хусусиятга эга ва барқарор бўлиши керак"лиги ўрнатиб қўйилган. Муаносиблик принципнинг маъно-мазмунини янада аниқроқ тушуниш учун суд амалиётидан мисол келтирамиз.

2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов холибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 10-бандида ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўтказиши, комиссиянинг қарори баённома билан расмийлаштирилиши белгиланган бўлсада, туман ҳокимлиги томонидан ушбу талабларга риоя қилинмаган. Фуқаро А.Абдусаматовга ер участкаси ажратилишида танланган лойиҳага бошқа талабдор бўлмасида, қайта танлов ўтказилмаган.

Ш.Рашидов (Жиззах) туман ҳокимининг 18.03.2015 йилдаги қарорини қабул қилишда Низомнинг 6-банди талаблари бузилган ҳолда ер ажратиш тўғрисидаги қарор туман комиссиясининг хулосаси олинмасдан қабул қилинган. Демак, Ш.Рашидов (Жиззах) туман ҳокимлиги томонидан юқоридаги Низом талабларига риоя этилмасдан, 30.01.2014 йилдаги 92-сонли ҳамда 18.03.2015 йилдаги 532-сонли қарорлар қабул қилинган[7].

Ушбу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, маъмурий органлар иш юритиш жараёнида ишончнинг ҳимоя қилиниши принципи талабларидан келиб чиқмаган.

Шунингдек, маъмурий низоларни олдини олишда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган айрим масалаларни амалга ошириш ҳам муҳим аҳмиятга эгадир. Бу ҳам давлат бошқаруви соҳасидаги қонунчиликни тартибга солиш билан боғлиқдир.

Иккинчидан, маъмурий низоларни суд тартибидида ҳал этишга салбий таъсир этувчи омиллар мавжуд. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида оммавий-ҳуқуқий низоларни маъмурий судларда кўриб чиқилишига салбий таъсир этувчи сабаблардан бири маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳам ушбу судлар томонидан кўриб чиқилишидир. Маълумки, маъмурий судлар ўз ҳуқуқий табиатига кўра 2 та ҳар хил ишлар тоифасини кўриб чиқади:

1. оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича маъмурий низолар - яъни муҳокама ташаббускори - ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилаётган жисмоний ва юридик шахслар;

2. қонун билан уларнинг ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар - бу ерда, аксинча, давлат органи ташаббускор бўлади, хусусий шахс эса ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланади ва уни жазолаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

---

---

Хорижий мамлакатлар тажрибаси ва айрим илмий қарашлардан келиб чиқиш шуни алоҳида шуни таъкидлаш лозимки, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий судларда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эмас.

Хорижий мамлакатларда маъмурий низолар махсус маъмурий судлар ёки умумий юрисдикциявий судларда кўриб чиқилади.

Хамедов ва Цайнинг фикрига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишни жиноят судлари судловида қолдиришни таклиф этишган[8].

Бизнингча хорижий мамлакатлар тажрибаси ва аксарият олимларининг фикрига кўшилган ҳолда маъмурий судларда фақатгина маъмурий низоларни кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Учинчидан, маъмурий низоларни судгача ҳал қилиш усули бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясида назарда тутилган ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш, низоларни судгача ҳал қилиш усули сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этиш орқали маъмурий адлия тизимини ривожлантириш масаласи ҳалигача кўриб чиқилмади.

Фуқаро ва юридик шахс ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузадиган хатти-ҳаракатлар(қарорлар) устидан шикоят билан аввало ушбу қарорни қабул қилган(хатти-ҳаракатларни содир этган) давлат органининг юқори турувчи тизимига муурожаат қилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур ҳолат амалиётда масаланинг тез ва тегишли суд ҳаражатларисиз ҳал қилинишига сабаб бўлади[9].

Қонуларда низони судгача муурожаат қилиш тартиби, яъни судга муурожаат қилишдан олдин низони бошқача тартибда ҳал этиш назарда тутилган бўлиши мумкин. Бундай тартиб "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида", "Селекция ютуқлари тўғрисида", "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида" ҳамда "Товар белгилар, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуларига белгиланган. Ушбу қонуларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мулк агентлигининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгашига муурожаат қилиш ва унинг қароридан норози бўлган тақдирда судга муурожаат қилиш мумкин. Мазкур Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Низоми асосида фаолият юритади. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168-сонли қарори билан тасдиқланган Интеллектуал мулкнинг самарали ҳимоясини таъминлаш бўйича "йўл харитаси"да Апелляция кенгашини ташкил этиш, апелляцияларни кўриб чиқишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, қарор қабул қилишда тор идоравий манфаатлар устунлигининг олдини олишни назарда тутувчи Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомнинг янгиланган лойиҳасини киритиш назарда тутилган.

Оммавий характердаги низоларни судгача ҳал этиш механизми солиқ қонунчилигида ҳам мавжуд бўлиб, бу борадаги қонунчилик ривожлантириб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Солиқ

---

---

маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра, солиқ низоларини судгача ҳал этиш - солиқ апелляцияси институти имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги солиқ тўловчиларнинг суд органларига мурожаатлари кўпайишига олиб келётганлиги белгилаб ўтилиб, мазкур муаммоларни ҳал этиш механизми сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида Юридик бўлим Юридик бошқармага айлантирилди ва унинг таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларида тегишли бўлинмалари (шуъбалари) бўлган солиқ низоларини судгача ҳал этиш бўлими ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши тузилган бўлиб, ушбу кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 812-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши тўғрисида низом асосида фаолият юритади.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси томонидан аввал кўриб чиқилган, кўриб чиқиш натижалари солиқ низосини ҳал қилиш учун Кенгашга мурожаат қилган солиқ тўловчи, солиқ агенти ва (ёки) солиқ тўловчининг вакилини қониқтирмаган ёки қисман қониқтирган солиқ низоларини кўриб чиқиш учун қабул қилади.

Маъмурий низоларни ҳал этишда миллий қонунчилигимизнинг муҳим жиҳатларидан бири маъмурий тартибда шикоят қилиш мажбурий эмас, яъни манфаатдор шахс хоҳлаган пайтда судга шикоят қилиши мумкин. Лекин, айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси ва илмий олимларнинг қарашларига кўра, маъмурий тартибда шикоят қилишнинг мажбурий амалга оширилиши ижобий хусусиятларга эгадир.

Ж.Неъматовнинг таъкидлашича, хорижий мамлакатлар ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, маъмурий тартибда судгача шикоят қилишнинг мажбурий тартибини ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Ушбу фикрга кўшилиш мумкин. Сабаби маъмурий тартибда шикоятларни кўриб чиқишни мажбурий амалга оширишининг бир қанча ижобий жиҳатлари мавжуд:

Биринчидан, ишни тезкор ҳал этиш мумкин;

Иккинчидан, юқори турувчи орган қўйи турувчи орган фаолиятини мониторинг қилиб туриш имконияти пайдо бўлади;

Учинчидан, маъмурий судларга бериладиган шикоятлар сони камаяди.

Ж.Неъматов томонидан юқоридаги тақлиф берилган бўлсада, ушбу тақлифни амалга ошириш механизми кўрсатиб ўтмаган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепцияси гоёларига таяниш мумкин бўлади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маъмурий низоларни судгача ҳал эти механизмини ривожлантириш сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ маъмурий шикоят якка тартибда ёки коллегиял тартибда кўриб чиқилади. Маълумки, маъмурий шикоят бўйича иш юритиш маъмурий иш юритувнинг умумий қоидалари асосида амалга оширилади. "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонуннинг



---

---

47-моддасига кўра, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий иш маъмурий орган мажлисида кўриб чиқиши лозим. Маъмурий иш маъмурий органнинг ташаббуси билан ёки манфаатдор шахснинг илтимосномаси бўйича ҳам мажлисда кўриб чиқиши мумкин.

Мазкур ҳолатда бир масалага алоҳида этибор қаратиш лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонунда белгиланган маъмурий шикоятни мажлис тартибида кўриб чиқиш билан солиқ низоларни судгача ҳал этиш механизми ўртасида фарқлар мавжуд. Маъмурий ислохотлар концепцияси илгари сурилган коллегиял тартибда шикоятлар кўриб чиқиш механизми ҳақида концепцияни ўзида ҳам унинг чора-тадбирлари режасида аниқ механизм кўрсатиб ўтилмаган.

Бизнингча, Маъмурий ислохотлар концепциясида назарда тутилган механизм "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонунда белгиланган қоидалар асосида ҳал этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Солиқ соҳасидаги низоларни судгача ҳал этиш механизмини бошқа маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этиб бўлмайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, маъмурий низоларни ҳал этиш тизимидаги асосий муаммоларни урта йўналишга бўлиш мумкин бўлади:

1. давлат бошқарув соҳасидаги қонунчилик тартибга келтирилмаганлиги;
2. маъмурий низоларни суд тартибида ҳал этиш механизмида айрим муаммолар мавжудлиги;
3. маъмурий низоларни судгача ҳал этиш механизми тартибга келтирилмаганлиги.

Юқорида баён қилинган айрим муаммоларни баргараф этиш юзасидан маъмурий адлия қонунчилигини ривожлантириш бўйича қуйидагилар илгари сурилади:

Биринчидан, давлат бошқаруви муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Маъмурий низоларни ҳал этиш тизими бевосита давлат бошқарувида оид қонун ҳужжатларини амалга ошириш жараёнида юзага келади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда концепцияда назарда тутилган бир қанча қонун ҳужжатлари ҳали қабул қилинмади. Жумладан, "Давлат бошқаруви асослари тўғрисида", "Давлат хизмати тўғрисида", янги таҳрирдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ва бошқа қонун ҳужжатлари бунга мисол бўла олади. Бизнингча ушбу қонунларни қабул қилишни кечиктирмаслик керак.

Иккинчидан, маъмурий низоларни суд тартибида ҳал этиш тизимида тўсиқ бўлаётган муаммоларни баргараф этиш ва соҳа қонунчилигини ривожлантириш лозим. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маъмурий судларда маъмурий низоларни сифатли кўриб чиқишда тўсиқ бўлаётган ҳолатлардан бири маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар ҳам ушбу судлар томонидан кўриб чиқишидир. Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий судлар томонидан 2017 йил 1 июндан 2018 йил 31 июнгача бўлган муддат оралиғида 435 минг 552 та иш кўрилган бўлиб, шундан 416 минг 301 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишларга тегишли бўлса, 19 минг 251 таси маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлардир[10]. Ушбу маълумотлардан келиб шуни айтиш лозимки, маъмурий судлар моҳиятан ўз

---

---

судловига таалуқли бўлмаган ишлар сони кўпдир. Хорижий мамлакатлар тажрибаси ва маъмурий адлиянинг илмий-назарий қарашларга асосланиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишни жиноят судловига ўтказиш(қайтариш) мақсадга мувофиқдир.

---

### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. Ж.Неъматов. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедураларни такомиллаштириш: маъмурий-ҳуқуқий асослари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил: ўқув қўлланма-Т.;2015.86-бет. (J. Nematov. Improvement of Administrative Procedures in the Republic of Uzbekistan: Administrative-Legal Basis: Comparative-Legal Analysis: A Handbook-Т .; 2015.p.86.)
2. Я.Цико. Основы законодательства об административных процедурах в Германия. Ежегодник публичного права-2014.-М. с.365 (Y.Tsiko. Fundamentals of legislation on administrative procedures in Germany. Public Law Yearbook- 2014.-М. P.365)
3. Давыдов К.В. Принципы административных процедур: сравнительно-правовое исследование // Актуальные вопросы публичного права.- 2015. № 4 (34). С. 18. (Davydov K.V. The principles of administrative procedures: comparative legal research // Actual issues of public law- 2015№ 4 (34). М. P. 18)
4. Ларс Брокер. Инквизиционный принцип в административной процедуре. Ежегодник публичного права-2018. Принципы административных процедур и административного судопроизводства.-М. с.16 (Lars Broker. Inquisition principle in administrative procedure. Public Law Year 2018. The principles of administrative procedures and administrative proceedings.-М. p.16)
5. Богданди А. фон, Хубер П.М. Государство, государственное управление и административное право в Германии // Дайджест Публичного Права. 2014. № 1 (3). С. 46. (Bogdandi A. von, Huber P.M. State, public administration and administrative law in Germany // Digest of Public Law. 2014. No. 1 (3). P. 46.)
6. Моше Коэн-Элия, Иддо Порат. Американский метод взвешивания интересов и немецкий тест на пропорциональность: исторические корни // Сравнительное конституционное обозрение. 2011. № 3 (82). С. 61. (Moshe Cohen Eliya, Iddo Porat. The American method of weighing interests and the German test of proportionality: historical aspect // Comparative Constitutional Review. 2011. No 3 (82). P. 61.)
7. Жиззах вилоят хўжалик судининг 13-1705/7102-сонли хўжалик иши (2017 йил май ойи). (Economic case number 13-1705 / 7102 of the Jizzakh Regional Economic Court (May 2017).)
8. И.А.Хамедов, И.М.Цай. Институт административных процедур в свете реформирования административно-процессуального права в Узбекистане. Ежегодник публичного права - 2014: "Административное право: сравнительно-правовые подходы". - М.: Инфотропик Медиа, 2014. Стр. 395-397. ( I.A. Khamedov, I.M. Tsai. Institute of Administrative Procedures in the Light of the Reform of Administrative Procedure Law in Uzbekistan. Public Law Yearbook 2014: "Administrative Law: Comparative Legal Approaches". - М.: Infotropic Media, 2014. p. 395-397.)
9. Давлат органлари қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга шикоят қилиш тартиби: амалий қўлланма/ Ш.Саидов, М.Эргашев- Тошкент: "Complex Print" нашриёти, 2019.- 19 б. (Procedure for appealing decisions of state bodies, actions (inaction) of administrative authorities to administrative courts: practical manual / Sh. Saidov, M. Ergashev - Tashkent: Complex Print, 2019. P.19 )
10. Маъмурий ишлар бўйича суд амалиёти. И.Алимов. - Тошкент. "Complex Print" нашриёти, 2018. 6-бет (Administrative Justice Practice. I.Alimov. - Tashkent. Complex Print, 2018. p. 6)

**Раимова Наргиза Дороевна,**

Старший преподаватель Института Службы  
государственной безопасности Республики Узбекистан,  
доктор юридических наук, доцент  
E-mail: raimova-nargiza@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-10-9>

## **ВНЕДОГОВОРНОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРАВООТНОШЕНИЙ ПО ЗАЩИТЕ ПРАВ СУБЪЕКТОВ КОММЕРЧЕСКОЙ КОНФИДЕНЦИАЛЬНОЙ ИНФОРМАЦИИ**

**Аннотация:** В данной статье рассмотрено значение коммерческой тайны в гражданских правоотношениях по законодательству Республики Узбекистан. Как известно, роль объектов интеллектуальной деятельности неизмеримо возросла, так как они стали наряду с традиционными материальными объектами полноправными участниками экономического оборота. В статье также приведен комплексный анализ сущности и правовой природы коммерческой тайны как объекта правового регулирования, даны предложения по совершенствованию действующего законодательства, регулирующего данную сферу.

**Ключевые слова:** информация, конфиденциальная информация, правовой режим, виды информации, способы защиты информации.

---

**Раимова Наргиза Дороевна,**

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик  
хизмати институти катта ўқитувчиси,  
юридик фанлари доктори, доцент  
E-mail: raimova-nargiza@mail.ru

## **КОНФИДЕНЦИАЛ ТИЖОРАТ АХБОРОТИ СУБЪЕКТЛАРИ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАРТНОМАДАН ТАШҚАРИ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида тижорат сирининг аҳамияти кўрсатилган. Маълумки, интеллектуал фаолият объектлари аҳамияти беқиёс ошган, чунки улар иқтисодий муомалада аънанавий моддий объектлар билан бир қаторда тенг ҳуқуқли бўлиб қатнашадилар. Мақолада, шунингдек, тижорат сирининг ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида моҳияти ва ҳуқуқий табиатининг комплекс таҳлили берилган бўлиб, мазкур соҳани тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш учун бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ахборот, махфий ахборот, ҳуқуқий режим, ахборот турлари, ахборотни ҳимоя қилиш усуллари.

## **NON-CONTRACTUAL REGULATION OF LEGAL RELATIONS FOR PROTECTION OF RIGHTS OF THE SUBJECTS OF COMMERCIAL CONFIDENTIAL INFORMATION**

**Annotation:** In this article is discussed the role of a trade secrets in civil legal relations by the legislation of the Republic of Uzbekistan. It is known, that the role of objects of intellectual activity has immeasurably increased, as they became along with traditional material objects full participants of economic turnover. In this article is also given a complex analyses of essence and legal nature of trade secrets as the object of legal relations and elaborated decisions to improve acting legislation regulating present sphere.

**Key words:** information, confidential information, legal regime, types of information, methods of protection of information.

**For citation:** Raimova Nargiza Doroyevna. NON-CONTRACTUAL REGULATION OF LEGAL RELATIONS FOR PROTECTION OF RIGHTS OF THE SUBJECTS OF COMMERCIAL CONFIDENTIAL INFORMATION. Journal of Law Research. 2019, 10 vol., issue 1, pp. 67-72

**В**ажным условием инновационного развития экономики Республики Узбекистан на сегодняшний день является не только признание гражданских прав на коммерческую тайну, но и наличие механизма их надежной гражданско-правовой защиты. Существующие в юридической науке подходы к решению проблем защиты информации весьма разнообразны. Во многих публикациях, посвященных исследованию проблем коммерческой тайны, упор делается на организационно-управленческие, технические, административные, уголовно-правовые и иные аспекты правовой охраны информации и не уделяется должного внимания гражданско-правовым вопросам их обеспечения. Между тем юристами, как показывает анализ правовой практики, защита коммерческой тайны воспринимается через призму гражданско-правовых средств.

Анализ законодательства, регулирующего отношения в области коммерческой тайны и секретов производства (ноу-хау), а также практики его исполнения убеждает в том, что реально защитить нарушенные права на коммерческую тайну представляется сегодня весьма проблематично. Это происходит потому, что предлагаемый в Гражданском кодексе Республики Узбекистан и Законе Республики Узбекистан "О коммерческой тайне" механизм защиты прав на коммерческую тайну еще недостаточно разработан применительно к современным условиям и не отвечает потребностям правовой практики, не в полной мере гарантирует защиту субъективных прав и интересов хозяйствующих субъектов в данной сфере. В коммерческих организациях отсутствует методика расчета и доказывания убытков, связанных с нарушением прав на коммерческую тайну. Разработанная общая методика возмещения убытков не учитывает специфику защиты прав в данной области. В силу несовершенства действующего механизма отмечается незначительное число обращений правообладателей, чьи права нарушены, в экономические суды с исками о возмещении убытков, причиненных разглашением охраняемых сведений, и отсутствие у них практических навыков применения других способов защиты гражданских прав.

---

---

Коммерциализация результатов научных исследований, повышение внимания бизнеса к использованию инноваций в своей деятельности требует решения проблемы выбора и эффективного применения в хозяйственной практике способов защиты прав на коммерческую тайну. Разработанные в цивилистической науке способы защиты гражданских прав не всегда пригодны для такого объекта, как информация, составляющая коммерческую тайну, и без определенной адаптации не могут быть использованы в практике. Рекомендации, которые содержатся в литературе, порой носят общий характер и не учитывают специфику совершаемых правонарушений при обращении информации. Поэтому важным, на наш взгляд, является изучение способов защиты прав на коммерческую тайну на уровне корпоративных связей и в процессе договорной и внедоговорной работы, связанной с передачей информации, выполнением работ (услуг) в информационной сфере.

Следовательно, вопросы формирования механизма защиты коммерческой тайны, в центре которого находится осуществление субъективного права на такую тайну и способы его защиты, в том числе и внедоговорного характера, требуют научного осмысления.

Традиционное развитие гражданского права основывается на том, что договорная и внедоговорная (так называемая деликтная) ответственность развивались параллельно. Принципиально новых разновидностей гражданско-правовой ответственности пока еще не существует. Однако в каждой отдельной области гражданско-правовых отношений существуют специфические наборы гражданско-правовых санкций. Они комбинируются вследствие различного сочетания уже известных в гражданском праве санкций, либо периодически применительно к тем или иным отношениям предусматриваются специфические санкции, природа которых особенно на первоначальном этапе их введения вызывает дискуссии. Могут различаться основания ответственности, субъекты ответственности.

Обязательство третьих лиц не нарушать режим коммерческой тайны является гражданско-правовым обязательством. Поэтому его нарушение влечет гражданско-правовую ответственность. Закон прямо возлагает обязанность возместить убытки на лиц, незаконными методами получивших нераскрытую информацию. Это распространяется и на лиц, разгласивших ее вопреки договору, без законных оснований использующих ее. Поэтому такая ответственность естественно будет носить внедоговорный характер и существовать она будет параллельно с договорной ответственностью.

Несмотря на общность договорной и внедоговорной видов гражданско-правовой ответственности необходимо отметить различия. Деликтная ответственность традиционно является обособленным институтом гражданского права. Ей присущи свои особенности, которые, в первую очередь, выражаются в значительном преобладании в составе законодательства императивных норм [3, С.355].

Что касается внедоговорных, или, так называемых "деликтных обязательств", то в юридической литературе понятия "обязательства вследствие причинения вреда" и "ответственность за причинение вреда" используются как одинаковые по смыслу, и в обоих понятиях основным термином является "ответственность" [4, С.18].

Данное положение нашло свое отражение в главе 57 ГК Республики Узбекистан - "Обязательства вследствие причинения вреда", ст. 985 которой посвящена общим

---

---

основаниям ответственности за причинение вреда. Это свидетельствует о том, что между этими понятиями не существует противоречий и что они связаны между собой [1, С.363].

Совокупность норм, закрепленных в главе 57 ГК Республики Узбекистан "Обязательства вследствие причинения вреда", охватывает круг отношений значительно шире тех, в ходе которых реализуется гражданско-правовая ответственность. Деликтная ответственность основана на факте неправомерного причинения вреда. Обязательства по возмещению вреда могут охватывать и случаи правомерного причинения вреда, а также предусматривать обязанность возместить вред, причиненный по вине других лиц. Наличие факта причинения вреда в преобладающем числе случаев обуславливает и наличие оснований ответственности за его причинение, включая ответственность другого субъекта.

В обязательствах вследствие причинения вреда ответственность наступает на общих основаниях, определенных ст. 985 ГК Республики Узбекистан, согласно которой "вред, причиненный неправомерными действиями (бездействием) личности или имуществу гражданина, а также вред, причиненный юридическому лицу, подлежит возмещению лицом, причинившим вред, в полном объеме, включая упущенную выгоду".

Как правило, в данных случаях ответственность возникает на основании факта правонарушения, а именно с возникновением обязательства вследствие причинения вреда появляется и ответственность, т.е. возможность применения по отношению к правонарушителю определенных санкций. Посредством деликтных обязательств восстанавливается положение, существовавшее до правонарушения [5, С.339].

По общему правилу, противоправное поведение и вина являются необходимыми условиями гражданско-правовой ответственности для всех видов гражданских правонарушений, и договорных и внедоговорных. Для возложения гражданско-правовой ответственности на должника неисполнением или ненадлежащим исполнением обязательства в тех случаях, когда кредитору причинен вред или убытки необходимо наличие причинной связи между противоправным поведением должника и наступившими последствиями.

Ст. 333 ГК Республики Узбекистан предусматривает вину в качестве общего основания гражданско-правовой ответственности за нарушение обязательств. Положения данной статьи предъявляют строгие требования к должнику, желающему доказать свою невиновность и тем самым освободить себя от ответственности. Вина выражает отношение правонарушителя к возложенной на него законом или договором ответственности. Согласно нормам гражданского законодательства, должник будет отвечать лишь при наличии с его стороны вины в нарушении обязательств. В данном случае важную роль играет "презумпция вины": должник может быть освобожден от ответственности, если докажет, что отсутствует его вина в нарушении обязательства.

Основной мерой гражданско-правовой ответственности, применяемой к нарушителю права на конфиденциальную коммерческую информацию, как в отечественной, так и в зарубежной практике, является возложение на него обязанности возместить потерпевшей стороне убытки, которые могут охватывать (если законом или договором сторон не предусмотрено возмещение убытков в меньшем размере) как реальный ущерб, так и упущенную выгоду. Для применения

---

---

данной меры ответственности к нарушителю обладатель конфиденциальной информации, право которого нарушено, обязан доказать, что сведения, полученные нарушителем, отвечают требованиям, установленным законом к сведениям, составляющим конфиденциальную информацию, и что нарушитель получил доступ к таким сведениям незаконным способом, а также обосновать размер убытков [2, С.25].

В случае незаконного доступа к информации, составляющей коммерческую тайну, на наш взгляд, можно было бы требовать в судебном порядке запрещения нарушителю разглашать и использовать информацию, к которой он незаконно получил доступ. Такой запрет для недобросовестных нарушителей должен возникать автоматически в силу закона. Соответственно, данное положение должно найти свое отражение в Законе Республики Узбекистан "О коммерческой тайне".

Учитывая то, что, на наш взгляд, трудно определить размер убытков, которые причиняются нарушением права на конфиденциальную информацию, было бы целесообразным предусмотреть в нашем законодательстве возможность применения к нарушителю права на конфиденциальную информацию следующей санкции, которая могла бы стать альтернативой возмещению убытков меры гражданско-правовой ответственности.

Такая санкция могла бы предполагать возложение на нарушителя права на коммерческую тайну обязанности по выплате денежной компенсации обладателю конфиденциальной информации, право которого нарушено, в размере, определяемом судом в установленных законом пределах в случае невозможности определения точного размера убытков, подлежащих возмещению нарушителем.

Для осуществления данного положения в законодательстве целесообразно закрепить норму, согласно которой лицо, незаконно и недобросовестно получившее доступ к информации, составляющей конфиденциальную коммерческую информацию другого лица, может быть по решению суда принуждено к выплате пострадавшему денежной компенсации в размере, определяемом судом, исходя из обстоятельств, в результате которых произошел такой доступ.

Недобросовестный нарушитель должен привлекаться к ответственности за незаконный доступ к информации, составляющей конфиденциальную коммерческую информацию другого лица, даже в случае, если информация, к которой он незаконно получил доступ, аналогична информации, ранее полученной им самостоятельно и добросовестно.

Еще один момент, на котором хотелось бы остановить особое внимание - это проблема освобождения от ответственности за нарушение прав на конфиденциальную коммерчески ценную информацию добросовестных приобретателей, т.к. не во всех случаях доступ к информации, составляющей коммерческую тайну, бывает незаконным. В данном случае добросовестные приобретатели - это лица, не знавшие и не имевшие достаточных оснований полагать, что информация, к которой они получили доступ, составляет коммерческую тайну другого лица, в том числе получившие доступ к информации в результате случайности или ошибки [6, С.27].

По требованию обладателя конфиденциальной коммерческой информации на такого добросовестного приобретателя должна быть возложена обязанность по

---

---

сохранению конфиденциальности такого рода коммерчески ценной информации. Неисполнение этой обязанности уже должно повлечь ответственность, т.к. в данном случае нарушается право самого обладателя на информацию, составляющую коммерческую тайну.

На наш взгляд, обладатель информации, составляющей коммерческую тайну, может предъявить лицу, добросовестно получившему доступ к такой информации, требование из неосновательного обогащения, если только данный добросовестный приобретатель не докажет, что он получил точно такую же информацию в результате своих исследований. В случае, если он этого не докажет, неосновательное обогащение будет выражено в суммах, которые добросовестный приобретатель должен был бы заплатить обладателю информации, составляющей коммерческую тайну, если бы получил право использования информации, составляющей коммерческую тайну, по договору с обладателем.

В связи с этим, обладатель информации, составляющей коммерческую тайну, который не имеет возможности пресечь ее использование добросовестными приобретателем, должен требовать заключения с добросовестными приобретателем договора о предоставлении права на использование информации, составляющей коммерческую тайну, или договора о предоставлении права на использование информации, составляющей коммерческую тайну, на условиях, определяемых сторонами, а в случае отсутствия этих условий - по решению суда.

---

#### Сноски/Иқтибослар/References

---

1. Гражданское право. Т.2. Учебник / Отв. ред. Е.А.Суханов. - М.: Бек, 2002. - С.363 (Civil law. Т.2. Textbook / Edition of E.A. Sukhanov. - M: Bek, 2002. - P.363).

2. Гуляева Н.С. Коммерческая тайна в предпринимательской деятельности: Сравнительно-правовое исследование законодательства РФ, зарубежных государств и международно-правового регулирования: Автореф. дис. □ канд. юрид. наук. - М., 2002. - С.25 (Gulyayeva N.S. Commercial Secret in Business Activity: Comparative-Legal Study of Legislation of the Russian Federation, Foreign States and International-Legal Regulation: Abstract of Dissertation of the Candidate of Legal Sciences. - Moscow, 2002. - P.25).

3. Масалина С.Б. Ответственность за нарушение авторских прав, новые подходы под влиянием развития информационных технологий. Ответственность в гражданском праве. - Алматы: НИИ частного права КазГЮУ, 2006. - С.355 (Masalina S.B. Responsibility for copyright infringement, new approaches influenced by the development of information technologies. Liability in Civil Law. - Almaty: Private Law Research Institute of KazGUU, 2006. - P.355).

4. Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиқни қўллаш асослари // Қонун ҳимоясида. - Тошкент, 1999. - № 9. - Б.18 (Okyulov O. Basic Application of Civil-Legal Liability // Protected by Law. - Tashkent, 1999. - No. 9. - P.18.).

5. Фуқаролик ҳуқуқи (II қисм) / Ҳ.Раҳмонқулов ва И.Зокировларнинг умум. таҳр. остида. - Тошкент: Адолат, 1999. - Б.339 (Civil Law (Part II) / Under the General Edition of H.Rakhmonkulov and I.Zokirov. - Tashkent: Adolat, 1999. - P.339.).

6. Хасанов А.А. Ўзбекистон Республикасида айрим шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳимоя қилишнинг муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. - Тошкент, 2003. - Б.27 (Hasanov A.A. Problems of Protection and Civil-Legal Regulation of the Exercise of Certain Personal Non-property Rights in the Republic of Uzbekistan: Abstract of Dissertation of the Candidate of Legal Sciences. - Tashkent, 2003. - P.27).



**Турдиев Хайитжон Усмонкул ўгли,**

Тошкент давлат юридик университети  
мустақил илланувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-10-10>

## **ПАРЛАМЕНТ ФУНКЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ЎЗARO ТИЙИБ ТУРИШ ВА МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИ ТИЗИМИ**

**Аннотация:** мазкур мақолада парламент функциялари амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими масалалари назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилган. Муаллиф томонидан бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тавсия ва хулосалар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** ҳокимиятлар бўлиниши, парламент функцияси, парламентаризм, ҳуқумат, парламент назорати, қонунчилик.

---

**Турдиев Хайитжон Усмонкул угли,**

Независимый соискатель  
Ташкентского государственного юридического  
университета

## **СИСТЕМА СДЕРЖЕК И ПРОТИВОВЕСОВ В ПРОЦЕССЕ РЕАЛИЗАЦИИ ФУНКЦИИ ПАРЛАМЕНТА**

**Аннотация:** в данной статье исследованы теоретико-правовые аспекты вопросов системы сдержек и противовесов в процессе реализации функции парламента. Автором предложены рекомендации по совершенствованию законодательства в данной сфере.

**Ключевые слова:** разделения властей, функция парламента, парламентаризм, правительство, парламентский контроль, законодательство

---

**Turдиеv Khayitjon Usmankul ugli,**

Independent researcher  
of the Tashkent State University of Law

## **THE SYSTEM OF CHECKS AND BALANCES IN THE PROCESS OF IMPLEMENTATION OF THE PARLIAMENTARY FUNCTIONS**

**Abstract:** This article analyses the theoretical and legal aspects of the system issues of checks and balances in the process of implementing the functions of parliament. The author proposed recommendations for improving legislation in this sphere.

**Key words:** separation of powers, parliamentary functions, parliamentarism, government, parliamentary oversight, legislation.

**For citation:** Turдиеv Khayitjon Usmankul ugli. THE SYSTEM OF CHECKS AND BALANCES IN THE PROCESS OF IMPLEMENTATION OF THE PARLIAMENTARY FUNCTIONS. Journal of Law Research. 2019, 10 vol., issue 1, pp. 73-77

---

---

**М**амлакатимиз қонунчилигида ҳоқимиятлар бўлиниши принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида тан олинган. [1] Унга мувофиқ, давлат ҳоқимияти тизими - ҳоқимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимиятига бўлиниши принципига асосланади. Ҳоқимият ваколатлари қонун чиқарувчи орган - Олий Мажлис, ижро ҳоқимияти - Вази́рлар Маҳкамаси ва суд ҳоқимияти ўртасида тақсимланган.

М.Марченко ҳоқимиятлар бўлиниши принципини "давлат фаолиятини нормал амалга ошириш учун бир-бирдан мустақил ҳоқимиятларнинг мавжуд бўлиши назарияси" [2, Б.291] деб ҳисоблайди. Л.Голубеванинг фикрича, ҳоқимиятлар бўлиниши принципи ҳоқимиятнинг ягоналиги назариясига қарама-қарши бўлсада, лекин давлат ҳоқимиятининг ижтимоий-сиёсий бирлигига таъсир этмай, аксинча давлат ҳоқимиятини янада мустаҳкамлайди. [3, Б.13] Демак юқоридаги муаллифлар ҳоқимиятлар бўлиниши деганда, ягона давлат ҳоқимияти эмас балки унинг ваколатлари тақсимланишини назарда тутадилар, фикримизча ваколатлар тақсимлансада ҳоқимият тармоқлари бир-бирдан ажралиб қолмайди, доимо ўзаро алоқада бўлади. Шу масалада Профессор Х.Одилқориев ҳоқимиятлар ваколатларининг оқилона тақсимланиши - давлат тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатиши ва жамиятда қонунийлик таъминланишининг гарови деб таъкидлайди. [4, Б.16]

Ҳоқимиятлар бўлиниши назариясининг амалий ифодаси 1787 йилда қабул қилинган Америка Қўшма Штатлари Конституциясида акс этди. АҚШда ҳоқимиятлар бўлиниши принципи учун даставвал инглиз мутафаккири Жон Локк гоаяри асос қилиб олинган. Бироқ қонунчилик, ижро этувчи ва суд ваколатлари ягона қонун чиқарувчи ҳоқимият қўлида қолиб кетишини олдини олиш мақсадида АҚШ Конституцияси муаллифлари томонидан ҳоқимиятлар бўлинишининг француз олими Монтескьенинг модели танланган. В.Рубаник ҳоқимиятлар бўлиниши принципи "Америка шароитида чекловлар ва мувозанат (ингл. checks and balances) тизими сифатида трансформацияга учраган" деб ҳисоблайди. [5, Б.385-386]

АҚШ Конституцияси муаллифларидан бири Жеймс Медисон ўз даврида "давлат ҳоқимияти тармоқлари ҳар бири бошқаси устидан конституциявий назоратни ўрнатиши лозимлиги ва улар ўртасида давлат ҳоқимияти ваколатлари максимал даражада тақсимланиши керак" [6, Б.238] деб таъкидлаган эди. Фикримизча, АҚШда конституциясивий чегаралар орқали ҳоқимиятларнинг ўзаро бир-бирини назорат қилиши учун керакли воситаларга таъминлаши лозимлиги, ваколатлар фақатгина қоғозда эмас амалда ҳам бўлиниши гоаяси илк бора амалга оширилди. АҚШ тажрибасида бир ҳоқимият тармоғига тегишли ваколат қолган икки ҳоқимият тармоғининг бири томонидан бевосита ёки билвосита амалга оширилиши ҳалқнинг мустақиллиги ва эркинлигига даҳл қилиши исботланди.

Р.Хақимовнинг фикрича, "юридик адабиётларда давлат ҳоқимиятининг бўлиниши билан бирга яна бир атама - давлат функцияларини бўлиниши ҳам қўлланилади." Давлат функцияларининг бўлиниши деганда, одатда давлат органлари функцияларининг чегараланиши назарда тутилса, давлат ҳоқимиятининг бўлиниши эса, ҳоқимиятнинг нафақат функционал балки, институционал ва персонал тарзда бўлиниб амалга оширилишини ҳам ифодалайди. [7, Б.52]

---

---

Тарихдан маълумки Буюк Британиянинг Вестминстер модели деб аталган парламентар тизим кўплаб мамлакатлар парламенти шаклланишига таъсир қилган. Бугунги кунда парламент ҳокимиятлар бўлиниши тизимида асосий ўринни эгалловчи, қонун чиқарувчи ва вакиллик органи, сиёсий манфаатларни амалга ошириш воситасига айланди. Профессор

З.М. Исломовнинг фикрича, "ҳозирги парламент халқ вакиллигининг олий органи бўлиб, халқнинг суверен иродасини ифодалайди, энг муҳим ижтимоий муносабатларни қонунлар қабул қилиш йўли билан тартибга солади, ижро этувчи ҳокимият органлари ва юқори мансабдор шахсларни фаолиятини назорат қилади." [8, Б.357]

"Парламент" ибораси бир қатор мамлакатлар Конституцияларида расмий белгиланган. Жумладан Япония Конституциясининг 41-моддасига кўра "Парламент давлат ҳокимиятининг олий органи ҳамда ягона қонун чиқарувчи орган ҳисобланади". [9] Юридик адабиётларда парламент тушунчаси билан бир қаторда парламентаризм тушунчаси ишлатилади. "Парламентаризм" тушунчаси "парламент"га нисбатан кенг маънони англатиб, ўз ичига парламентнинг ҳокимиятлар бўлиниши принципидаги ўрнини ифодаловчи ҳуқуқий нормаларни қамраб олади.

Давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ўрни унинг функциялари билан белгиланади. Хусусан, Р.Хакимовнинг фикрича, парламент функцияси - бу унинг моҳият-хусусиятларини ифодаловчи фаолиятининг мазмуни ва шаклидир. Тадқиқотчи парламентнинг учта: вакиллик, қонунчилик ва назорат функцияларини кўрсатиб ўтади. [10, Б.31] Бу борада Ю.Тихомиров парламентнинг куйидаги беш функциясини ажратади: қонунчилик, вакиллик, конституциявий, ички-ташқилий ва назорат функциялари. [11, Б.64] Ш.Зулфиқоров эса парламентнинг функцияларига қонун ижодкорлиги, вакиллик, ҳуқумат фаолияти устидан назорат, давлат органларини шакллантиришда иштирок этиш, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш, бюджетни қабул қилиш ва назорат қилиш кабиларни киритади. [12, Б.12] Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

76-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Финландия Конституциясига кўра "қонун чиқарувчи ҳокимият давлат молиявий масалаларини ҳам ҳал этувчи парламент томонидан амалга оширилади" [13] деган қоида мавжуд.

Парламентнинг вакиллик функцияси орқали халқнинг иродасини ифодалаш ва фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этиши таъминланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида "Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга" эканлиги белгиланган. [14, Б.25] Парламентнинг қонунчилик функцияси унинг олий юридик кучга эга бўлган қонун ижодкорлиги ҳуқуқига эга эканлиги ва қонунчилик жараёни амалга оширишида намоён бўлади. Парламентнинг қонунчилик ваколатлари хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқида қонунчилик компетенцияси бўйича куйидаги уч турга бўлинади: 1) мутлақ аниқ - қонун қабул қилиниши мумкин бўлган масалалар доираси чегараланмаган давлатлар (Буюк Британия, Греция, Польша); 2) нисбатан чекланган - қоида тариқасида, федерация субъектлари ёки автоном бирликларнинг қонунчилик ваколоти мавжудлиги (АҚШ, Ҳиндистон, Испания); 3) мутлақ

---

---

чекланган - конституцияда қонунчилик ваколати масалалари доираси қатъий белгиланган (Франция, Португалия). [15, Б.16]

Парламент фаолиятининг ажралмас қисми бўлган назорат функцияси ҳокимиятлар бўлиниши принципи таъминлаш ва парламентаризм қарор топишининг қафолати ҳисобланади. Назорат функцияси "чекловлар ва мувозанат воситаси бўлиб, ижро ҳокимиятини назорат қилиш орқали ҳокимиятни суиистеъмол қилиш олдини олади". Парламентнинг назорат функцияси деганда олий қонунчилик (вакиллик) органи томонидан давлат бошқаруви органлари фаолиятини мониторинг қилиш ва текширишнинг чора-тадбирлари ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш таклифларини ишлаб чиқиш тушунилади. [16, Б.64]

Хуқуқшунос олимлар тадқиқот ишларида парламентнинг таъсис этиш функцияси кўрсатиб ўтилади. Парламент ушбу функция орқали давлат органлари ҳокимият институтларини тузади ҳамда уларнинг хуқуқий мақомини белгилаб беради. Масалан, ижро ва суд ҳокимиятини шакллантириш парламентнинг асосий ваколатларидан бири ҳисобланиб, парламентар бошқарувдаги давлатларда ҳукумат парламент кўпчилигини ташкил этувчи сиёсий партия ёки коалиция, аралаш республикаларда эса парламент билан келишилган ҳолда давлат бошлиғи томонидан шакллантирилади.

Хулоса ўрнида ҳокимиятлар бўлиниши принципида парламентнинг ўрни ва роли унинг функциялари ва ушбу функцияларнинг қай даражада амалга оширалаётганлиги, ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга оширишда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг амалда мавжудлиги билан белгиланади. Парламент ўз функциялари орқали конституциясивий чегаралар ўрнатиб ҳокимият шаҳобчаларининг ўзаро бир-бирини назорат қилиши учун керакли воситаларни қафолатлайди.

Мамлакатимиз парламенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига юқоридagi функциялар ва ваколатлар ҳам тегишли ҳисобланади.

Бугунги кунда Олий Мажлиснинг функцияларини такомиллаштиришда биринчидан парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва роли ошириш ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими механизларини ривожлантириш, иккинчидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари асосида парламент ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, учинчидан ҳукумат устидан парламент назоратини янада кучайтириш ҳамда парламентнинг давлат ҳокимияти олий органлари билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

---

#### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т.: "Ўзбекистон", 2018. - 80 б. (Constitution of Republic of Uzbekistan - Т.: "Uzbekistan", 2018. - 80 p.)

2. Марченко М.Н. Проблемы теории государства и права: Учебник. - Москва: Проспект, 2011. - С. 291. (Marchenko M.N. Problems of the theory of state and law: Textbook. - Moscow: Prospectus, 2011. - p. 291.)

3. Голубева Л.А. Нетипичные ветви государственной власти в механизме современного государства: Автореф.дисс. ...канд. юрид. наук. - Санкт-Петербург, 2009. - С. 13. (Golubeva L.A. Atypical branches of State governance in the mechanism of the modern state: Thesis. Cand. Legal sciences. - St. Petersburg, 2009. - P. 13.)

- 
4. Одилқориев Х.Т. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини модернизация қилиш: методология, амалиёт ва истиқбол / Давлат қурилиши ва бошқарувининг долзарб муаммолари // Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент: ТДЮУ, 2015. - Б. 16. (Odilqoriyev X.T. The modernization of State power and governance: methodology, practice and perspective /The actual problems of State building and governance // The Collection of scientific articles. - Tashkent: TSUL, 2015. - P. 16.)
5. Рубаник В.Е. История государства и права зарубежных стран - Москва: КНОРУС, 2017. - С. 385-386 (Rubanik V.E. History of state and law of foreign countries - Moscow: Knorus, 2017. - p. 385-386.)
6. Общая теория права и государства / Под ред. В.В. Лазарева. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Юрист, 2001. - С. 238. (General theory of law and the state / Ed. V.V. Lazarev. 3rd ed., revised. and add. - M.: Yurist, 2001. - p. 238.)
7. Хакимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари: юридик фанлар номз. илм. дар. ол. учун ёзил. дисс... - Тошкент: ТДЮИ, 2009. - Б. 52. (Xakimov R.R. Parliament in the system of state authority: problems of theory and practice: diss. written for the science degree of cand. Legal sciences - Tashkent: TSIL, 2009. - p. 52)
8. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Маъсул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонкулов, Ҳ.Бобоев. Т.: Адолат, 2007. - Б. 357. (Islamov Z.M. Theory of state and law / Editor-in-chief: H.Rahmonkulov, H.Boboev. T.: Adolat, 2007. - p. 357)
9. Конституция Японии // URL: <https://legalns.com/download/books/cons/japan.pdf> (The Constitution of Japan // URL: <https://legalns.com/download/books/cons/japan.pdf>)
10. Хакимов Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари: юридик фанлар номз. илм. дар. ол. учун ёзил. дисс... - Тошкент: ТДЮИ, 2009. - Б. 31. (Xakimov R.R. Parliament in the system of state authority: problems of theory and practice: diss. written for the science degree of cand.legal sciences - Tashkent: TSIL, 2009. - p. 31.)
- 11.Е.Вандишев, А.Сунгуров Контрольная функция парламента: парламентские комиссии по расследованию и счетке палаты // Вестник Томского государственного университета Философия. Социология. Политология. 2015. № 3 (31) - С. 64. ()
12. Парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. Монография. // Ш.Зулфиқоров ва бошқ. // - Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2015. - Б. 12. (E.Vandishev, A.Sungurov The control function of parliament: parliamentary commissions for investigation audit chambers // Bulletin of Tomsk State University of Philosophy. Sociology. Political science. 2015. № 3 (31) - p. 64.)
- 13.The Constitution of Finland 11 June 1999 (731/1999, amendments up to 817/2018 included) Ministry of Justice, Finland // URL: <https://oikeusministerio.fi/en/constitution-of-finland>
- 14.Всеобщая декларация прав человека - Т.: "Адолат", 2018. - С. 25. (Universal declaration of human rights - T.: Adolat, 2018. - p. 25.)
15. Парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. Монография. // Ш.Зулфиқоров ва бошқ. // - Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2015. - Б. 16. (The interaction of parliament and government: comparative-legal analysis. Monographs. // Sh.Zulfikorov and others. // - Tashkent: TSUL publishing office, 2015. - p. 16.)
- 16.Е.Вандишев, А.Сунгуров Контрольная функция парламента: парламентские комиссии по расследованию и счетке палаты // Вестник Томского государственного университета Философия. Социология. Политология. 2015. № 3 (31) - С. 64. (E.Vandishev, A.Sungurov The control function of parliament: parliamentary commissions for investigation audit chambers // Bulletin of Tomsk State University of Philosophy. Sociology. Political science. 2015. № 3 (31) - p. 64.)

---

---

## 12.00.08 ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

Хужакулов Сиёвush Бахтиёрович,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси  
доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент  
E-mail: xujakulov.s\_1983z@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-10-11>

### ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тушунчаси мазмунан таҳлил қилиниб, ушбу тушунчага нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишнинг моҳиятини унинг даражалари, бу борада аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ва амалга оширилалдиган чора-тадбирлар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** профилактика, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш.

---

Хужакулов Сиёвush Бахтиёрович,

Доцент кафедры Профилактики правонарушений  
Министерства внутренних дел Академии Республики  
Узбекистан, доцент, доктора философии (PhD) по  
юридическим наукам  
E-mail: xujakulov.s\_1983z@mail.ru

### ПОНЯТИЕ И СУЩНОСТЬ РАННЕЕ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

**Аннотация.** В статье проанализирована по содержанию понятие раннее профилактики правонарушений, а также, освещено содержание раннее профилактики правонарушений на основании ее степени, обязательно выявляющие положение и реализующие меры.

**Ключевые слова:** профилактика, профилактики правонарушений, ранняя профилактика, раннее профилактики правонарушений.

---

Khujakulov Siyovush Baxtiyorovich,

Associate professor of Department of crime prevention  
of the Academy of the Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan,  
associate professor, of the doctor of philosophy (PhD) in law  
E-mail: xujakulov.s\_1983z@mail.ru

### ANALYSIS OF THE EXISTING SYSTEM OF SUBJECTS OF CRIME PREVENTION

**Annotation:** The article analyzes the current system of subjects for the prevention of offenses on the basis of existing legislation and the opinions of scientists, and also put forward recommendations and suggestions for improving this system.

**Key words:** subject, system, classification, subjects of crime prevention.

---

Мамлакатимизда 2014 йил 14 май куни "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг [7] қабул қилиниши давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатини мазмунан ва стратегик жиҳатдан ўзгартиришни таъминлади.

Жамиятимизнинг барча аъзосининг диққат ва эътибори ҳуқуқбузарликлар профилактикасига йўналтирилди. Бу борада уларнинг вазифалари белгилаб берилди.

Эътиборли томони шундаки, қонунда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мазмунига алоҳида эътибор қаратилди. Буни қонунда профилактик таъсир кўрсатиш объектлари сифатида нафақат ҳуқуқбузар (маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган шахс), балки ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи (жабрланган ёки жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган), шунингдек гайриижтимоий хулқ-атворга эга ва гайриижтимоий турмуш тарзини кечираётган шахсларнинг ҳам киритилганлигида ҳам кўриш мумкин.

Бироқ қонун қабул қилинган илк йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ушбу тоифадаги шахсларга жиддий эътибор қаратилмади. Чунки, бу каби тоифадаги шахслар билан ишлашнинг замон талабларига мос методологик асослари ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилмаган эди. Натижада, мазкур соҳа Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди [5].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир" [3]. Шу боисдан, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ҳузурда "Худудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссияси" тузилди.

Бироқ, аксарият назариётчи ва амалиётчи ходимлар "ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш" ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас, бу эса ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, "ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш"нинг мазмун-моҳиятини ёритиш зарурати юзага келган. Шу ўринда, "ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш", энг аввало, "ҳуқуқбузарликлар профилактикаси" тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлиш талаб этилади.

Маълумки, "профилактика" ? юнонча "prophylaktikos" сўзидан олинган бўлиб, "сақловчи", "олдини олувчи" деган маъноларни беради [1]. Ушбу тушунча тиббиёт соҳасида кенг қўлланилиб, унга "одамлар соғлигини сақлаш, касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш, аҳолининг jismoniy ривожланишини яхшилаш ва узоқ умр кўришини таъминлашга қаратилган чоратадбирлар мажмуи" сифатида қаралади. Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 июндаги "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-892-сон, 2017 йил 25 декабрдаги "2018 - 2022 йиллар даврида

---

---

болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида"ги

ПК-3440-сон қарорлари ва ушбу қарорлар билан тасдиқланган дастурлар мазмунида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида "профилактика" том маънода, "умуман, бирор ҳодисанинг олдини олиш, механизм, машиналарнинг муддатидан олдин ишдан чиқиши, бузилишидан сақлаш учун кўриладиган чоралар" тариқасида тушунилади [4, Б.608].

"Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг "Асосий тушунчалар"га бағишланган 3-моддасида "ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси"га берилган таърифда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мақсади қуйидаги уч йўналишда шакллантирилган:

биринчиси, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш;

иккинчиси, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш;

учинчиси, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш [6].

Демак, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузар шахсларни ахлоқан тузатиш, ҳуқуқбузар ва ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш, балки ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишга ҳам йўналтирилади.

Мазкур мантиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги икки кўриниши мавжуд деган хулосани қилишга асос яратади:

биринчиси, ҳуқуқбузар шахсларни ахлоқан тузатиш, ҳуқуқбузар ва ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш орқали уларни жамиятга қайтариш;

иккинчиси, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик, яъни ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни амалга ошириш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг биринчи кўринишида ? ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни амалга ошириб бўлмайди, чунки шахс ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланган бўлади. Ушбу ҳолатда ҳуқуқбузар шахсни ахлоқан тузатиш, ҳуқуқбузар ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсни ижтимоий реабилитация қилиш талаб этилади. Агарда ҳуқуқбузар шахсни ахлоқан тузатиш имкони бўлмаса, унда уни жамиятдан узоқ муддатга ажратиш ёки жамият аъзоларини улардан ҳимоя қилиш лозим ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг иккинчи кўринишида ? аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари бошқа ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаришини олдини олиш, шунингдек муайян ҳуқуқбузарликнинг аниқланган сабаб ва шароитларига ўхшаш омилларнинг бошқалар (шахслар)да ёки бошқа жой (оила, маҳалла, таълим муассасаси, меҳнат жамоаси, туман, шаҳар, вилоят каби)ларда ҳам мавжудлигини ўрганиш, борди-ю мавжудлиги аниқланса, унда ушбу омилларни ҳуқуқбузарликлар содир этилмасидан илгари бартараф этиш чораларини кўриш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш таъминланади.



---

---

Маълумки, "ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш" тушунчаси тиббиёт соҳасида кенг қўлланилиб, кейинчалик ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳам қўлланила бошлаган. Тиббиётда "барвақт олдини олиш" деганда, асосан касалликни бошлангич bosқичида аниқлаш ва ривожланишининг олдини олиш, шунингдек муайян касаллик турларини болалик ва ўсмирлик давридаёқ аниқлаб, унга қарши курашиш тушунилади.

Агарда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллик касалликка қиёсланса, у ҳолда шахсдаги гайриижтимоий хулқ-атвор ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликнинг илк bosқичи ҳисобланади. Қолаверса, ижтимоий ҳаётда инсонлардаги эҳтиётсизлик, рашк, кўролмаслик, ҳасад, таъмагирилик, зўравонлик, шухратпарастлик, амалпарастлик, шахвоний майлларни жиловлай олмаслик каби қусурлар оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлишини эътиборга олсак, инсонлардаги мазкур қусурларни болалик ва ўсмирлик давридаёқ аниқлаб, унга қарши курашиш ? ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш моҳиятини белгилайди.

Қолаверса, шундай ижтимоий салбий омиллар борки, улар тўғридан тўғри ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига туртки беради. Улардан моддий етишмовчилик, ишсизликни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар мазмунига изоҳ берган Президентимиз Шавкат Мирзиёев "жиноятчиликнинг олдини олишда энг муҳим омиллардан бири бўлган ишсизликни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу муаммони бартараф этмай туриб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кўзланган натижаларга эришиб бўлмайди" [3] деб, таъкидладилар.

Демак, "ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш -ҳуқуқбузарликларнинг нафақат содир этилиши ва оқибатларини олдини олиш, балки ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишини тақозо этувчи ижтимоий салбий омилларни барвақт аниқлаб, уларни бартараф этиш, балки, имкон қадар мазкур ижтимоий салбий омилларнинг жамиятда бўлмаслигини таъминлашга доир чораталбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишидир".

Ушбу тушунчанинг мазмунини англаш билан боғлиқ тушунмовчиликларни бартараф этиш учун "ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш" тушунчасига берилган таърифни Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида келтириб ўтиш таклиф этилади.

Криминолог олимлар томонидан жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари умумижтимоий, гуруҳий ва шахсий даражадаги сабаб ва шароитларга бўлинади.

Бунда, умумижтимоий даражадаги сабаб ва шароитлар деганда, жамиятда жиноятчиликнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида объектив равишда бўлишини тақозо қилувчи, белгилаб берувчи, гуруҳий даражадаги сабаб ва шароитлар эса алоҳида турдаги (вояга етмаганлар, рецидив, аёллар, уюшмаган ёшлар) жиноятчиликнинг, муайян жиноятларнинг (фирибгарлик, одам савдоси, ўғирлик, bosқинчилик ва ҳ. к.) сабаб ва шароитлари бўлиб, алоҳида турдаги жиноятчиликнинг ёки муайян жиноятларнинг жамиятда бўлишини, содир қилинишини талаб этувчи, шахсий даражадаги сабаб ва шароитлар эса муайян шахсни жиноят содир этишга олиб келган, асосан шахсий, субъектив хусусиятга эга бўлган сабаб ва муайян ҳаётий, тасодифий вазиятларда юзага келувчи сабаб ва шарт-шароитлар тушунилади [1, Б. 92, 93].

---

Сабаб ва шароитларнинг бу тарздаги таснифи ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда жудаюм қўл келади. Шундай экан, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни қуйидаги даражаларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- 1) умумижтимоий даражада;
- 2) гуруҳий даражада;
- 3) шахсий даражада.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш самарадорлигига эришишда криминологик прогнозлаштириш, шахсларга криминологик ва виктимологик жиҳатдан индивидуал ташҳис қўйиш ҳамда профилактик таъсир кўрсатишнинг тактик жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда қуйидагиларнинг аниқланишини лозим деб ҳисоблаймиз:

1) ҳуқуқбузарликларнинг умумижтимоий, гуруҳий ва шахсий даражалаги сабаб ва шароитларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш;

2) гайриижтимоий ҳулқ-атворга эга шахсларни аниқлаш;

3) муаммоли оилаларни аниқлаш;

4) кам таъминланган, ишсиз, уюлмаган ёшларни аниқлаш;

5) ашаддий ҳуқуқбузарлар қайси тоифадаги шахслар орасидан келиб чиқаётганлигини аниқлаш.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини муҳим ҳисоблаймиз:

1) жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш;

2) фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдириш;

3) ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, умуминсоний, диний, миллий, маҳаллий ва оилавий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

4) ўсиб келаётган ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик, шафқатсизлик, шахвонийлик каби салбий ғоялар таъсиридан ҳимоялаш;

5) "ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни" имкониятларидан самарали фойдаланиш.

Ўйлаймизки, мақолада илгари сурилган илмий хулоса, амалий тавсия ва қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар назария ва амалиётда биринчидан, келгусида "ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш" тушунчаси бўйича илмий баҳс-мунозаралар олиб борилишига; иккинчидан, ушбу тушунчага ойдинлик киритиш ва моҳиятини ёритишга; учинчидан, бу борада мавжуд зиддиятлар ва тушунмовчиликларга барҳам беришга; тўртинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида олиб бориладиган тадқиқот йўналишларини белгилаб олишга; бешинчидан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга доир давлат сиёсатининг мақсадли ва манзилли йўналтирилишига; олтинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга; еттинчидан, "ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мавҳум фаолият соҳаси" деган қарашларни инкор этиб, унинг аниқлиги ва ишончлигини таъминлашга ўз хиссасини қўшади.

---

---

## Иқтибослар/Сноски/References

---

1. "Словари и энциклопедии на Академике" (<https://dic.academic.ru>) сайти ("Dictionaries and encyclopaedia on Academic". site (<https://dic.academic.ru>)).
2. Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. - Б. 92-93 (I. Ismailov, K.R. Abdurasulova, I.Yu.Fazilov Criminology. General part: Book for the institutions of higher education of MIA. - T.: Academy of MIA of the Republic of Uzbekistan, 2015. - P. 92-93.).
3. Мирзиёев Ш.М. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш - ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилidir // [http://www.uza.uz/oz/politics/tartib-intizom-va-masuliyatni-kuchaytirish-zhinoyatchiliknin-15-11-2017?ELEMENT\\_CODE=tartib-intizom-va-masuliyatni-kuchaytirish-zhinoyatchiliknin-15-11-2017&SECTION\\_CODE=politics](http://www.uza.uz/oz/politics/tartib-intizom-va-masuliyatni-kuchaytirish-zhinoyatchiliknin-15-11-2017?ELEMENT_CODE=tartib-intizom-va-masuliyatni-kuchaytirish-zhinoyatchiliknin-15-11-2017&SECTION_CODE=politics) (Sh.M.Mirziyoev. Enhancement of discipline and responsibility, strengthening of atmosphere of crime prevention - main factor of prophylaxy of offences // [http://www.uza.uz/oz/politics/tartib-intizom-va-masuliyatni-kuchaytirish-zhinoyatchiliknin-15-11-2017&SECTION\\_CODE=politics](http://www.uza.uz/oz/politics/tartib-intizom-va-masuliyatni-kuchaytirish-zhinoyatchiliknin-15-11-2017?ELEMENT_CODE=tartib-intizom-va-masuliyatni-kuchaytirish-zhinoyatchiliknin-15-11-2017&SECTION_CODE=politics))
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. Н-Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзасев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. Фа Тил ва адабиёт ин-ти. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. - 608 б. (Dictionary of Uzbek language: above 80000 words and collocations. J.Sh.X-Orderly/ Publishing college: T.Mirzayev (chief) and others. AS Rep.Uzb. Institute of language and literature. - T.: "National encyclopaedia of Uzbekistan" State scientific publishing, 2006. - P. 608)
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2833-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>. (Decree of the Prezident of the Republic of Uzbekistan No. 2833. "On measures of improving system of prophylaxy of offences and crime prevention". 14th of March, 2017 // URL: <http://www.lex.uz>.)
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>. (Law of the Republic of Uzbekistan "About prophylaxy of offences". 14th of May, 2014 // URL: <http://www.lex.uz>.)

Расулов Бекзод Боймуратович,

Самарқанд давлат университети  
мустақил тадқиқотчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-10-12>

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШДА НАЗОРАТ ШАКЛЛАРИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Фуқаролик жамиятини барпо этиш ва уни янада ривожлантириш кўп жиҳатдан давлат томонидан олиб бориладиган назоратга, шунингдек, фуқаролар ва фуқароларнинг жамиятлари томонидан давлат органлари фаолияти, мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа жараёнларни назорат қилишига боғлиқдир. Мазкур мақолада жамоатчилик назорати, унинг аҳамияти, Ўзбекистон шароитида уни ривожлантиришнинг долзарб масалалари, таклиф ва мулоҳазалар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Фуқаролик жамияти, назорат, жамоатчилик назорати, давлат ҳокимияти, давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш

---

Расулов Бекзод Боймуратович,

Независимый соискатель  
Самаркандского государственного университета

## ВОПРОСЫ ФОРМ КОНТРОЛЯ И ЕГО ЭФФЕКТИВНОСТИ В ДАЛЬНЕЙШЕМ УГЛУБЛЕНИИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

**Аннотация:** Создание и дальнейшее развитие гражданского общества в значительной степени зависит от государственного контроля, а также от контроля со стороны граждан и гражданского общества за деятельностью государственных органов, общественно-политическими, экономическими и другими процессами в стране. В данной статье рассматриваются вопросы общественного контроля, его значение, актуальные вопросы его развития в контексте Узбекистана, предложения и комментарии.

**Ключевые слова:** Гражданское общество, надзор, общественный контроль, обращения и запросы в государственные органы, участие в открытых коллегиальных заседаниях государственных органов публичное обсуждение, общественные слушания, общественный мониторинг, общественная экспертиза, изучение общественного мнения

---

Rasulov Bekzod Boymuratovich,

Independent Researcher  
of Samarkand State University

## ISSUES OF FORMS OF CONTROL AND ITS EFFECTIVENESS IN FURTHER DEEPENING CIVIL SOCIETY

---

**Annotation.** The creation and further development of civil society largely depends on state control, as well as on the control by citizens and civil society of the activities of state bodies, socio-political, economic and other processes in the country. This article discusses issues of public control, its importance, relevant issues of its development in the context of Uzbekistan, suggestions and comments.

**Keywords:** Civil society, supervision, public control, appeals and requests to state bodies, participation in open collegial meetings of state bodies, public discussion, public hearings, public monitoring, public examination, public opinion research

**For citation:** Rasulov Bekzod Boymuratovich. ISSUES OF FORMS OF CONTROL AND ITS EFFECTIVENESS IN FURTHER DEEPENING CIVIL SOCIETY. 2019, 10 vol., issue 1, pp. 84-89

**М**амлакатимизда кучли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидан бири - халқ ҳокимиятчилиги ва давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш ҳисобланади.

Ҳокимият хатти-ҳаракатларини назорат қилиш қадимдан жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиб, олимлар "қонунга эмас, балки зўравонлик таҳдидига таянган назоратсиз ҳокимиятдан хавфлироқ нарса йўқ" эканлигини таъкидлашади [1]. Бундан ташқари, "жамиятнинг ҳокимият устидан назорат ўрнатишга қодирлиги - фуқаролик жамиятининг белгисидир. Фақат ҳуқуқий шаклга эга бўлган назоратгина ҳокимиятни ҳуқуққа бўйсундиради ва фақат фуқаролик жамияти шароитидагина давлат "ҳуқуққа тобе" бўлади ва "ҳуқуқий давлат" мақомига эга бўлади." [2]

XIX аср социологлари ичида биринчилардан бўлиб Герберт Спенсер ижтимоий тизим, ижтимоий институт, ижтимоий назорат атамаларини илмий муомалага киритган [3].

Илмий адабиётларда жамоатчилик назорати институти турли таърифлар орқали талқин этилади. Хусусан, бу борада илмий тадқиқотлар олиб борган россиялик олим А.В.Соколов давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга - демократиянинг асосий белгиси ҳамда давлат ҳокимият органлари фаолияти ҳақида умумий хабардорлик қилиш жараёни, деб қарайди [4].

Б.И.Исмоиловнинг фикрича, жамоатчилик назорати деганда, фуқаролик жамияти институтларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг бирлашмалари, давлат ҳокимияти органлари ва бошқаруви устидан назорати тушунилади [5].

Т.Дўстжонов ва С.Ҳасановлар жамоат назоратини - фуқаролик жамиятини шакллантириш ва уни тўғри ташкил этишнинг асосий институтларидан бири эканлигини таъкидлаб, унга бирмунча кенгроқ таъриф берадилар, яъни, "жамоатчилик назорати - бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлари фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек, давлат ва нодавлат органлари таркибда тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назоратдир"[6].

Уларнинг фикрича, жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат қарор топиши учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омил ҳисобланади. Мазкур институт инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан

---

---

кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор аҳамиятга эгаллигини таъминлайди ва бунда жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу билан бирга, Б.И.Исмоилов тўғри таъкидлаб ўтганидек, жамоатчилик назорати, фуқаролик жамияти институтларининг марказий давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий бошқарув органлари билан ўзаро таъсирининг энг муҳим шакллари билан бири ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда ахборот-медиа назорат - давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларининг энг самарали назорат усули эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, ушбу назорат тури вақт ва маконда чегараланмаган. Давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларининг фаолиятини медиа маконда (оддий фойдаланувчилар), блоггерлар, журналистлар, ижтимоий тармоқ гуруҳлари, Интернет ҳамжамиятлар томонидан доимий равишда назоратни амалга оширади. Билдирилган танқидий фикрлар, таклифлар натижасида давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари раҳбарлари ёки юқори турувчи субъектлари (Масалан: Президент) сиёсий қарорлар, ташкилий, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилишига олиб келади.

Демократик давлатларнинг тажрибаларидан бизга маълумки, жамоатчилик назоратининг мақсади давлат органларининг ва маҳаллий бошқарувнинг самарадорлигини кучайтириш, давлат сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда мансабдор шахслар томонидан қонунга риоя қилиш ҳамда фуқаролар, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўзларининг фаолиятини самарали амалга оширишлари учун кўмаклашишдан иборатдир.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари оид турли хил ёндашувларни умумлаштириш ва бу борадаги мавжуд амалиётни таҳлил этиш орқали қўйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

- Ҳокимият органлари фаолиятининг доимий тизимли мониторингини олиб бориш. Бу шакл асосан ўтиш даврида бўлган ва ижтимоий-сиёсий тузум ўзгараётган давлатларга хос бўлади;

- Ҳокимият органлари фаолиятига оид манзилли мониторинг олиб бориш. Масалан, экологик жамоат ташкилотларини давлат ҳокимияти органларининг экология соҳасидаги сиёсатини назорат қилиши;

- Ижтимоий муҳим бўлган қарорларни қабул қилишда жамоатчиликнинг иштироки;

- Ҳокимият органлари ҳузурида назорат комиссияларининг, жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши.

Тадқиқотчи А.В.Соколовнинг фикрича, жамоатчилик назоратининг юқорида кўрсатиб ўтилган шакллари бўйича амалга оширилиши, ўз навбатида муайян шароитларнинг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Булар: ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатланганлиги; фуқаролик жамияти институтларининг мавжудлиги; давлат органлари фаолиятининг демократик тамойиллар асосида юритилиши; мустақил ОАВнинг мавжудлиги ва бошқалар. Дарҳақиқат, ушбу омиллар жамоатчилик томонидан давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ҳолисона баҳолаш имконини тудиради.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг механизмлари Ўзбекистон Конституциясида ва миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топган. Хусусан,

---

---

Конституциянинг 2,12,35,60-моддаларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига оид қоидалар акс этган. Бундан ташқари "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (10-12-моддалар), "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги (11-16-моддалар), "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги (16-модда), "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги (25-модда), "Таълим тўғрисида"ги (28-модда), "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги (9-модда), "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги (7-модда), "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги (4,6,23-24-моддалар), "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги (13-модда), "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги (3-модда), "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги (27-модда) қонунларда ҳамда Меҳнат кодекси (233-модда), Ҳаво кодекси (5-модда), Ер кодекси (84-модда), Уй-жой кодекси (6-модда) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам соҳага оид ҳуқуқий меъёрлар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуни 2018 йил 12 апрелда қабул қилиниб, унинг 3-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари эканлиги белгилаб қўйилган.

Ҳозирга қадар мамлакатда давлат идоралари, жамият тузилмалари, фуқаролар фаолияти устидан давлат назоратининг қўйидаги турлари шаклланган. Яъни: конституциявий назорат, парламент назорати, Омбудсман назорати, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ назорати, суд назорати (контроли), прокурор назорати, молиявий (бюджет) назорат, ижро ҳокимияти тузилмаларидаги ички назорат, ички ишлар идоралари тизимидаги (маъмурий) назорат, экологик назорат, тоғ-кон назорати, санатория назорати ва бошқалар.

Фикримизча, жамоатчилик назорати - кучли фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиларидан бўлиб, фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан мунтазам назорат қилишни аниглайди. Бундай назорат, одатда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини таҳлил қилиш, бу борадаги жамоатчилик фикрини ўрганиш, шакллантириш, баҳолаш ва тегишлича баён қилиш орқали намоён бўлади.

Жамоатчилик назорати қўйидаги шаклларда ўтказилади:

- давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;
- давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;
- жамоатчилик муҳокамаси;
- жамоатчилик эшитиуви;
- жамоатчилик мониторинги;
- жамоатчилик экспертизаси;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш. [7]

Барча назорат турлари давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари масъулиятини ошириш ва фуқаролар онгида қонунга ҳурмат руҳини шакллантиришда ҳам муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

---

---

Жамоатчилик назорати сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар сирасига жамиятнинг сиёсий тизими, фуқаролик жамияти ва демократиянинг ривожлангани, инсон ҳуқуқларининг таъминлангани, иқтисодий тизим характери, аҳолининг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданияти, энг муҳими, керакли ҳуқуқий асоснинг мавжудлиги кабиларни киритиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги жамиятимизда бу борада эришилаётган муваффақиятлар билан бир қаторда муаммоларнинг мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бир қатор йигилишларда сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар ва депутатлар фаолиятини танқид қилиб, уларнинг самарали фаолият юритиши зарурлигини таъкидламоқда. Хусусан, 2017 йил 12 июлда давлатимиз раҳбари раислигида ўтган Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йигилишида соҳадаги муаммолар, сиёсий партия ва депутатлар фаолияти танқидий таҳлил этилганди.

2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этилган Мурожаатномада бу масалага яна бир бор эътибор қаратиб, "Афсуски, депутатлар, сенаторларимиз уйғониши керак, бу - ҳаёт талаби, деган гаплар гаплигича қолиб кетди. Яна бир бор айтаман, кутилган амалий натижа йўқ", деб таъкидлади. [8]

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахслари депутатларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймоқда, депутатлар сўровига белгиланган муддатда жавоб бермаслик ҳолатлари мавжуд.

Бу борада Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Фуқаролик институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда" [9].

Бугунги кунда, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш масалаларига катта аҳамият қаратилмоқда.

Бунда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш;

- фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароитларни янада яхшилаш;

- нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш, одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш;

- жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш;

- жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантиришда аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш;

- мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар фаолиятини жонлантириш, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида



---

---

юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтириш;

- қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъриий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

- сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш;

- ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик, аввало сайлаб қўйиладиган ҳамда ваколатли органлар назоратини, бошқача айтганда, зарур ваколат берилган халқ депутатлари амалга оширадиган назоратни бутун чоралар билан кучайтириш ва бошқалар.

Юқоридаги омилларни ҳаётга янада кенгроқ тадбиқ этиш орқали Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга, аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз салоҳиятини янада юқори чуққиларга олиб чиқишга ижтимоий-сиёсий имкониятлар яна бир қарра ошишига хизмат қилади.

---

#### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. Панарин А.С. Глобальное политическое прогнозирование. - М.: Статут, 2008. - С. 218 (Panarin A.S. Global Political Forecasting. - M.: Statute, 2008. - P 218)

2. Лучин В.О. Конституционный строй России: основные политико-правовые характеристики // Право и политика. 2006. №10. - С. 27-31 (Luchin V.O. The constitutional system of Russia: the main political and legal characteristics // Law and Politics. 2006. № 10. - P 27-31)

3. "Социология" Маърузалар матни. М.Б.Бекмуродов. Т., 2000й. -Б. 43 (The text of the lectures of M.V. Bekmurodov "Sociology" T., 2000. -P. 43)

4. Соколов А.В. Механизмы и принципы информирования о деятельности органов власти и управления // СМИ в информационном взаимодействии власти и общества. Материалы всероссийской конференции. (Москва, 17-18 марта 2005 г.) -М.: Издательство Хроникер, 2005. - С.272, (Sokolov A.V. The mechanisms and principles of informing about the activities of government and management // Mass media in the informational interaction of government and society. Materials of the All-Russian Conference. (Moscow, March 17-18, 2005) -M.: Chroniker Publishing House, 2005. -P.272)

5. Исмаилов Б.И. Давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг амалий жиҳатлари / Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт // Илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. - Б.46 (Ismailov B.I. Practical aspects of exercising public control over social activities / Problems of creating civil society institutions in Uzbekistan: theory and practice // Conference proceedings. - Tashkent: TSIL, 2007. - P.46.)

6. Т.Дўстжонов. С.Ҳасанов. Ўзбекистон демократик тарққиёт йўлида. -Тошкент: Тошкент Молия институти, 2004. -Б.79 (Т. Dustzhanov, S. Hasanov. Uzbekistan is on the road to democratic development. - Tashkent: Tashkent Financial Institute, 2004. - P 79).

7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Жамоатчилик назорати тўғрисида. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон, (Law of the Republic of Uzbekistan "On public control" National database of legislation, 13/04/2018, № 03/18/474/1062), Lex.uz/docs/3679092.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.( Statement by the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyev to the Oliy Majlis of December 22, 2017) // 05.12. 2017. www.uza.uz.

9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. - Т.: "Ўзбекистон", 2010. - Б.42. (Karimov I.A. The concept of further deepening democratic reforms and the formation of civil society in the country / Report at a joint meeting of the Legislative Chamber and Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. - T.: "Uzbekistan", 2010. - P 42).

Феруза Эшматова, юридик фанлар номзоди,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети  
тадқиқотчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-10-13>

## **ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ОРГАНЛАРИ ЮРИДИК ТАБИАТИ ВА ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ (МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АССАМБЛЕЯСИ МИСОЛИДА)**

**Аннотация:** ушбу мақолада халқаро ташкилотларнинг парламентлараро органлари юридик табиати ва фаолияти самарадорлиги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси мисолида ёритиб берилган. Умумий жиҳатдан мазкур тузилманинг белгилари ўрганилган. МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси ҳуқуқий субъектлиги масалаларига тўхталиб ўтилган. МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси фаолиятининг шаклланиши ва ҳуқуқий асослари очиқ берилган. Шу билан бирга Парламентлараро Ассамблеясининг халқаро норма ижодкорлик жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги, норма ижодкорлик ваколатларининг турлари, йўналишлари ва ҳажми унинг таъсис ҳужжатларида белгиланганидекамалга оширилиши ўрганилган. Шунингдек мақолада халқаро парламент ташкилотларининг норма ижодкорлик фаолиятини ваколатлари доирасига кирадиган масалалар бўйича конвенция, тавсия, декларация ва протоколларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиши ва халқаро шартномаларни тузишдан иборат деб ҳисоблаш мумкин.

**Таянч сўзлар:** Халқаро ташкилотларнинг парламентлараро органлари, халқаро ҳуқуқ субъекти, парламентлараро ҳамкорлик, МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси, норма ижодкорлик жараёни, халқаро-ҳуқуқий субъектлик, конвенция, тавсия, декларация, протокол, халқаро шартнома.

---

Феруза Эшматова, кандидат юридических наук,

Депутат Законодательной палаты  
Олий Мажлиси, Соискатель Университета  
мировой экономики и дипломатии

## **ЮРИДИЧЕСКАЯ ПРИРОДА И ЭФФЕКТИВНОСТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖПАРЛАМЕНТСКИХ ОРГАНОВ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ (НА ПРИМЕРЕ МЕЖПАРЛАМЕНТСКОЙ АССАМБЛЕИ СОДРУЖЕСТВА НЕЗАВИСИМЫХ ГОСУДАРСТВ)**

**Аннотация.** В данной статье освещается правовая природа и эффективность деятельности межпарламентских органов международных организаций на примере Межпарламентской ассамблеи Содружества Независимых Государств. Изучены общие признаки этой структуры. Были обсуждены вопросы правосубъектности Межпарламентской Ассамблеи СНГ. Изучены становление и деятельность и в то же время право Межпарламентской Ассамблеи участвовать в международном нормотворческом процессе. виды, направления и объем нормотворческих полномочий осуществляются в соответствии с ее учредительными документами. В статье также освещены

---

---

нормотворчество этого органа СНГ, принимаемые конвенции, рекомендации, декларации и протоколы по вопросам, относящимся к компетенции.

**Ключевые слова:** Межпарламентские органы международных организаций, международное право, межпарламентское сотрудничество, Межпарламентская ассамблея СНГ, нормотворческий процесс, международная правосубъектность, конвенция, рекомендация, декларация, протокол, международный договор.

---

**Feruzha Eshmatova,**

PhD, Member of the Legislative Chamber  
Of The OliyMajlis,  
Researcher of the University of world economy  
and diplomacy

## **LEGAL NATURE AND EFFECTIVENESS OF INTERPARLIAMENTARY BODIES OF INTERNATIONAL ORGANIZATIONS (BY THE EXAMPLE OF THE INTERPARLIAMENTARY ASSEMBLY OF THE COMMONWEALTH OF INDEPENDENT STATES)**

**Abstract:** This article highlights the legal nature and effectiveness of the inter-parliamentary bodies of international organizations on the example of the inter-parliamentary Assembly of the Commonwealth of Independent States. The General features of this structure are studied. Issues of legal personality of the CIS Interparliamentary Assembly were discussed. Formation and activity and at the same time the right of the inter-parliamentary Assembly to participate in the international standard-setting process are studied. The types, directions and scope of rule-making powers shall be exercised in accordance with its constituent documents. The article also highlights the rulemaking of this CIS body, adopted conventions, recommendations, declarations and protocols on issues related to the competence.

**Keyword:** Interparliamentary bodies of international organizations, international law, Interparliamentary cooperation, CIS Interparliamentary Assembly, normative process, international legal personality, Convention, recommendation, Declaration, Protocol, international Treaty.

**For citation:** Feruzha Eshmatova. LEGAL NATURE AND EFFECTIVENESS OF INTERPARLIAMENTARY BODIES OF INTERNATIONAL ORGANIZATIONS (BY THE EXAMPLE OF THE INTERPARLIAMENTARY ASSEMBLY OF THE COMMONWEALTH OF INDEPENDENT STATES). Journal of Law Research. 2019, 10 vol., issue 1, pp. 90-98

Замонавий алоқаларнинг ривожланиши, кўпгина халқаро ташкилотлар махсус вазифаларни бажаришдан янада кенгроқ ваколатларга ўтишига олиб келмоқда. Биринчи навбатда, бу умумий ва махсус юрисдикцияга эга минтақавий халқаро ташкилотлар - МДХ, АДЛ, АДТ, АБТ/АИ, АСЕАН, ЛАИ, шунингдек, бошқа халқаро ташкилотлар фаолиятида кузатилмоқда. Шу мақсадда улар ўз тузилмаларида, тармоқ ва махсус органлар, шунингдек, қўмиталар ва комиссиялар - иқтисодий, ижтимоий ва парламент тузилмаларига эга. Милий тадқиқотчи А. Каримова ҳақли тарзда айтганидек, "Парламентлараро тузилмалар, биринчи навбатда минтақавий ташкилотлар ҳузурида тузилиб, ўзига хос алоҳида фарқли жиҳатларга эга".

Шу маънода, бир қатор нуфузли халқаро минтақавий ташкилотлар - ЕХХТ Парламент ассамблеяси, Европа Кенгаши Парламент ассамблеяси, АСЕАН Парламентлараро ташкилоти, ИКТ аъзо - давлатлари Парламент Мажлиси, НАТО Парламент Ассамблеяси, Франкофонияга аъзо - давлатлар Парламент

---

---

ассамблеяси, КДИХТ Парламент ассамблеяси, ҳамда МДХ Парламентлараро ассамблеяси фаолияти кўзга ташланади.

Юқорида зикр этилган барча халқаро парламент органлари ичида, биз учун, айниқса, МДХ Парламентлараро Ассамблеянинг халқаро-ҳуқуқий мақоми, функциялари ва фаолияти, қизиқиш уйғотади, боиси:

биринчидан, МДХ Парламентлараро Ассамблеяси энг тез суръатлар билан ривожланиб бораётган парламентлараро тузилмалардан биридир;

иккинчидан, Парламентлараро Ассамблеянинг ҳуқуқий мақоми юқори даражада ишлаб чиқилган;

учинчидан, МДХ Парламентлараро Ассамблеяси бир вақтнинг ўзида бир неча халқаро ташкилот - МДХ учун, Парламентлараро Ассамблея сифатида ва Евросиё иқтисодий иттифоқи учун Парламентлараро Ассамблея Бюроси сифатида ягона парламентлараро орган ҳисобланади;

тўртинчидан, Парламентлараро Ассамблея собиқ Иттифоқ ҳудудидagi энг йирик минтақавий парламентлараро ташкилот ҳисобланади. Шу муносабат билан академик А.Х. Саидов таъкидлаганидек, "халқаро парламент ташкилотлари ривожланишининг янги тўлқини 1980-йиллар охири - 1990-йиллар бўлди. ... Ушбу даврда собиқ СССР республикалари ўз минтақавий парламентлараро ташкилотларини яратишга киришдилар, улар ичида энг йириги МДХ Парламентлараро Ассамблеяси бўлди".

бешинчидан, Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқ республикалари ва МДХга аъзо - давлатлар билан бугунги алоҳида яқин муносабатлари туфайли, айнан, МДХ институтларини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади.

Шу билан биргаликда, қозоғистонлик тадқиқотчи Э.А. Ибраевнинг асосли сўзларига кўра, "ушбу орган Мустақил Давлатлар Ҳамдуслиги учун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, тинчликпарварлик ва бошқа муносабатларда алоҳида аҳамият касб этади". Шунингдек, россиялик тадқиқотчи В.И. Балакиревнинг фикрига мувофиқ, "МДХнинг парламентлараро органи - интеграциявий бирлашманинг энг демократик унсуридир".

МДХ Парламентлараро Ассамблеяси фаолиятининг шаклланиши ва ҳуқуқий асослари тўғрисида гапирганда айтиш жоизки, Совет Иттифоқи таназулидан сўнг, барча собиқ совет республикалари сиёсий ва иқтисодий қийин аҳволда қолган эди, бу миллий парламентлар ўртасидаги ҳамкорликка туртки бўлди ҳамда 1992 йил 27 март куни Олма-Ота битими негизида МДХ аъзо-давлатлар Парламентлараро ассамблеяси тўғрисидаги келишув имзоланган. Лекин, ру олими Г.Г. Шинкарецкая фикрига кўра, "Парламентлараро ассамблея мақоми ва вазифалари келишувда жуда ноаниқ тарзда баён этилган...". Бошқа тадқиқотчилар, шунингдек таъкидлайдики, "1992 йилги Келишувнинг қабул қилиниши, гарчи МДХ Парламентлараро ассамблеясини таъсис этган бўлсада, бироқ бир қатор ноаниқликларга эга эди, хусусан Ассамблея органлари ваколатлари компиляцияси мавжуд эди".

МДХ Парламентлараро Ассамблеяси дастлаб ўзаро манфаатли қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун маслаҳатчи орган сифатида таъсис қилинди. Қозоғистонлик тадқиқотчи Э.А. Ибраевнинг асосли сўзларига кўра, "ушбу орган ўзининг асосий фаолияти (модель қонунчилик) бўйича дунёда муқобилига эга эмас". Шу сабабли ҳам, қирғизистонлик тадқиқотчи А.Дж. Мурзакулова, "парламентлараро ҳамкорлик институтларини тузилиши

---

---

қонунчиликни мувофиқлаштириш соҳасида ҳамкорликка оид доимий механизмларга бўлган эҳтиёж билан белгиланади" деган ўринли фикрни илгари суради.

1995 йил 26 майда МДХ давлатлари раҳбарлари Парламентлараро Ассамблея тўғрисидаги Конвенцияни имзоладилар, у 1996 йил 16 январда кучга кирди. Ушбу Конвенцияга мувофиқ, Парламентлараро Ассамблея давлатлараро ташкилот расмий мақомини олди ва МДХ органлари тизимида етакчи ўрин эгаллади. Аммо, бу борада Г.Г. Шинкареўская анча қарама-қарши фикр юритиб, "1995 йилда Парламентлараро Ассамблея тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилиш вазиятни моҳиятан ўзгармаганлигини" таъкидлаб ўтган .

МДХга аъзо ўн давлатдан тўққизтаси (Туркманистондан ташқари) МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг аъзоси ҳисобланади.

1995 йилги Конвенциянинг 1992 йилги Парламентлараро Ассамблея тўғрисидаги Битимдан муҳим фарқи шундаки, Конвенция давлат раҳбарлари томонидан имзоланган давлатлараро ҳужжат ҳисобланади, ваҳоланки Битим Олий кенгашлар ўртасида тузилган эди.

Конвенцияда илгари Регламентда мавжуд бўлган бир қатор қоидалар белгиланган; Ассамблея тузилмаси аниқланган; Ассамблея Кенгаши, унинг вақтинчалик ва доимий комиссияларини шакллантириш тартиби белгиланган, Котибият ташкил этилиши кўзда тутиб, унинг вазифаларини белгилаб берган.

Конвенция, шунингдек, кузатувчи институтини киритди ва Парламентлараро ассамблеянинг имтиёз ва дахлсизликлари масаласини ҳал қилди.

1995 йилги Конвенциянинг 4-моддасига кўра МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

а) иштирокчи давлатларнинг турли соҳаларида ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилади ва мазкур масалалар моҳиятига кўра, ўз тавсияларини Давлат раҳбарлари Кенгаши ва/ёки Ҳукумат раҳбарлари кенгашига, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бошқа давлат органлари, парламентларига юборди;

б) Давлат раҳбарлари Кенгаши ва/ёки Ҳукумат раҳбарлари кенгаши томонидан унга ўтказилган масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича тавсияларни тегишли равишда Давлат раҳбарлари кенгаши ва/ёки Ҳукумат раҳбарлари кенгашига, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бошқа органларига юборди;

в) иштирокчи - давлатлар қонунчилигини яқинлаштириш бўйича тавсиялар қабул қилади;

г) модель қонун ҳужжатларини қабул қилади ва тегишли тавсиялар билан ушбу Конвенция иштирокчи-давлатлар парламентларига юборди;

д) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари парламентлари томонидан Ҳамдўстлик доирасида имзоланган шартнома (битимлар)ни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши ёки Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг тегишли қарори қабул қилинган тақдирда эса - Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Низомида мустақамланган умумий мақсадларга эришиш учун Ҳамдўстликка аъзо - давлатларнинг иштирок этиши жуда муҳим бўлган бошқа халқаро шартномаларни ратификация қилиш (тасдиқлаш) таомилларини унификациялаштириш бўйича тавсияларни қабул қилади;

е) иштирокчи - давлатлар қонунчилигини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ушбу давлатлар томонидан тузилган халқаро шартномалар қоидаларига мувофиқлаштириш бўйича тавсиялар қабул қилади;

---

---

ж) иштирокчи давлатлар ўртасида ҳуқуқий ахборот алмашинувини амалга оширишига кўмаклашади;

з) парламентлараро ҳамкорликнинг бошқа масалаларини муҳокама қилади.

Ю.А. Тихомиров қайд этганидек, умуман олганда, Парламентлараро ассамблея ўзининг мақсад ва вазифаларига эришиш борасида муваффақиятли ҳаракат қилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида келтирилган барча функциялар тавсиявий табиатга эга.

Парламентлараро Ассамблея ўз қарорларини баёнот, мурожаат, тавсия, таклиф шаклида қабул қилади.

Парламентлараро ассамблеянинг муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан қарорлари, мажлисда ҳозир бўлган ва овоз бериш жараёнида иштирок этган парламент делегациялар томонидан Регламент асосида қабул қилинади. Парламентлараро ассамблеянинг қарорлари фақатгина унинг пленар мажлисларида қабул қилиниши мумкин.

Парламентлараро ассамблея ўз таъсис ҳужжатиغا асосан ташкил этилган бўлиб, ўз ваколатли органи - Парламентлараро ассамблея Кенгаши, ёрдамчи тузилмалар ва бюджетига эга.

Бироқ, Г.Г. Шинкарецкая қайд этишича, Парламентлараро Ассамблея иккиламчи табиатга эга, бир томондан, 1995 йилги Конвенция бўйича у МДХ давлатлараро органи этиб белгиланган (1-модда), бошқа томондан эса МДХ Низомида бундай қоида йўқ. Юқорида айтилган коллизияга жавобан С.В. Ерехов ва Р.А. Каламқарян Парламентлараро ассамблеянинг МДХ воқелигига нисбатан боғлиқлиги туфайли, уни ҳеч бир шубҳасиз МДХ органига киритади.

1995 йил 26 майдаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги конвенциянинг 9-моддасига кўра, "Парламентлараро Ассамблея фаолияти ташкил этилишини иштирокчи давлатлар парламент делегациялари раҳбарларидан иборат бўлган Кенгаш амалга оширади.

Парламентлараро ассамблеянинг иши парламент делегациялари пленар мажлисларидан, шунингдек, Ассамблея органлари мажлисларидан иборат. Парламентлараро ассамблеянинг пленар мажлиси, унда Конвенция иштирокчилари парламент делегацияларининг камида учдан икки қисми иштирок этса, қонуний ҳисобланади.

Ассамблея Кенгаши Кенгаш Раисини сайлайди. Ассамблея Кенгаши раиси Кенгаш аъзолари орасидан бир йил муддатга яширин овоз бериш орқали сайланади. Ассамблея Кенгаши Раиси этиб сайланган шахс қайта сайланиши мумкин, бироқ ушбу лавозимни кетма-кет уч марта эгаллай олмайди. Мажлисда иштирок этган ва овоз беришда қатнашган Кенгаш аъзоларининг кўпчилиги томонидан ёқланган номзод, сайланган ҳисобланади.

2005 йил 17 ноябр куни Парламентлараро Ассамблея Кенгаши қарори билан Ассамблея Кенгаши раиси лавозими ваколат муддати икки йилга узайтирилди.

Котибият Ассамблеянинг доимий фаолият юритувчи маъмурий органи ҳисобланади. Котибият Парламентлараро Ассамблея, Ассамблея Кенгаши, МДХ МПА тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ ташкил этилиши мумкин бўлган доимий ва вақтинчалик комиссиялар ва бошқа ёрдамчи органларга, Парламентлараро Ассамблея ва унинг органлари фаолиятини ташкил этиш борасида кўмаклашади.

---

---

Котибият Бош котиб, унинг ўринбосарлари - Конвенция иштирокчи - давлатлари парламентлари ваколатли вакилларида, шунингдек уларга ўз вазифаларини самарали амалга ошириш учун зарур бўладиган ходимлардан иборат.

Бош котиб Котибият фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, у Ассамблея Кенгаши томонидан Ассамблея Кенгаши Раиси тақдимномаси билан уч йил муддатга тайинланади.

Парламентлараро ассамблея Кенгаши Котибияти таркибига МДХ иштирокчи давлатлар парламентларининг доимий асосда ишловчи вакиллари киради.

МДХ иштирокчи давлатлар парламентлари вакиллари лавозимига кўра Парламентлараро ассамблея Кенгаши Бош котибининг тегишли парламентлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ўринбосари ҳисобланади.

МДХ иштирокчи давлатлар парламентлари вакиллари ишини Бош котиб - Парламентлараро ассамблея Кенгаши Котибияти раҳбари ва миллий парламентлар вакилларида бири (дуайен) мувофиқлаштиради.

Модель қонун ҳужжатлари ва Ассамблеянинг бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқишда ва қабул қилиш учун тайёрлашда Парламентлараро ассамблея доимий комиссиялари муҳим рол ўйнайди.

1995 йил 26 майдаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи - давлатлари Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги конвенциянинг 10-моддасига кўра, "Парламентлараро ассамблея, ушбу Конвенцияга мувофиқ ҳаракат қилиб, парламент делегациялари вакилларида иборат доимий ва вақтинча комиссиялар, уларга юкланган функцияларни бажариш учун зарур бўлган бошқа ёрдамчи органлар таъсис этишга ҳақли".

Ўнта доимий комиссия фаолият юритади: ҳуқуқий масалалар бўйича; иқтисодий ва молия бўйича; ижтимоий сиёсат ва инсон ҳуқуқлари бўйича; экология ва табиий ресурслар бўйича; муҳофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича; фан ва таълим бўйича; маданият, ахборот, туризм ва спорт бўйича; ташқи сиёсат масалалари бўйича; давлат қурилиши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тажрибасини ўрганиш бўйича ҳамда назорат-бюджет комиссияси.

Қайд этилган доимий органлар билан бирга, Парламентлараро Ассамблея таркибида, Парламентлараро Ассамблеянинг ёрдамчи маслаҳат органи ҳисобланадиган, Демократия ва парламентаризмни ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш институти алоҳида ажралиб туради, у МДХ иштирокчи - давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ ва МДХ иштирокчи - давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси кенгашининг 2005 йил 17 ноябрдаги 28-сонли қарори асосида ахборот айирбошлашга кўмаклашиш, демократия ва парламентаризмни ривожлантириш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича энг яхши тажрибаларни умумлаштириш мақсадида ташкил этилган. Халқаро институти фаолияти Дирекция томонидан амалга оширилади. Институт дирекцияси МДХ Парламентлараро Ассамблеяси Кенгаши Котибиятининг бошқарма ҳуқуқларига эга таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

1995 йил 26 майдаги МДХ иштирокчи - давлатларнинг Парламентлараро ассамблеяси тўғрисидаги Конвенциянинг 18-моддасига мувофиқ унинг манзилгоҳи Санкт-Петербург шаҳрида Таврический саройи бинолар комплексида жойлашган.

МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг асосий фаолият йўналишлари МДХ ҳуқуқий тизимини ривожлантириш Парламентлараро Ассамблея фаолиятида МДХ

---

---

давлатлари қонун ҳужжатларини яқинлаштириш ва уйғунлаштириш билан боғлиқ масалалар катта аҳамиятга эга. Ушбу йўналиш Парламентлараро Ассамблея томонидан қабул қилинадиган модель қонун ҳужжатлари ва тавсиялар асосида амалга оширилади. Хусусан, Парламентлараро Ассамблея томонидан биргина 2019 йил давомида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи - давлатлари учун ички сув транспортининг Модель кодекси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи - давлатлари учун Модель солиқ кодекси, Суд-эксперт фаолияти тўғрисидаги Модель қонун, адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисидаги Модель қонун, меърос ҳуқуқи тўғрисидаги Модель қонун ва ипотека тўғрисидаги модель қонун қабул қилинди.

Модель қонун ижодкорлиги - бу Парламентлараро Ассамблея томонидан иштирокчи - давлатлар қонунчилигини яқинлаштириш мақсадлари ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги интеграциявий ривожланиши вазифаларига жавоб берадиган модель қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш бўйича фаолият йўналиши. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги модель қонун ҳужжати - Парламентлараро Ассамблея томонидан белгиланган тартибда, Парламентлараро Ассамблея иштирокчи давлатлар умумий манфаатларга мос қонунчилик фаолиятини шакллантириш ва амалга ошириш, Ҳамдўстлик иштирокчи давлатлар қонунчилигини Ҳамдўстлик доирасида тузилган халқаро шартномаларга, шунингдек Ҳамдўстлик иштирокчи давлатлар қатнашиши умумий мақсадларга эришиш учун муҳим бўлган халқаро шартномаларга мувофиқлаштириш мақсадида қабул қилинган тавсиявий тусдаги қонунчилик ҳужжатидир.

Маълумки, Парламентлараро Ассамблея тавсияларни қабул қилади - бу Ҳамдўстлик иштирокчи - давлатлари қонунчилигини умумий манфаатларга мос масалалар бўйича яқинлаштириш, уларнинг қонунчилигини Ҳамдўстлик доирасида тузилган халқаро шартномалари қоидаларига мувофиқлаштириш ҳамда уларни ратификация қилиш таомилларини бирхиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида қабул қилинган таклифлардир.

Парламент Ассамблеяси доимий равишда миллий қонунчиликни МДҲ доирасида қабул қилинган халқаро шартномаларга мослаштиришга алоҳида эътибор беради.

Ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш. Ассамблеянинг роли ижтимоий сиёсат муаммоларини ҳал этиш, асосий инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, гуманитар ҳамкорлик масалалари бўйича келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишда тобора ортиб бормоқда. Парламентларга миллий қонунчилик жараёнида фойдаланиш учун Парламентлараро Ассамблеянинг фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва кафолатлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат ресурслари миграцияси, фуқаро шахслар, ҳарбий асирлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва бошқа модел ҳужжатлари ва тавсиялари юборилган.

Илмий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш. Парламентлараро Ассамблея иштирокчи парламентлари томонидан умумий маданий, таълим майдонини шакллантириш, фан, илмий-техникавий фаолият соҳасида мувофиқлаштирилган сиёсатни юритишни таъминлайдиган қонунчилик механизмини яратишга кўмаклашиш ҳақида келишувга эришилган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида интеграциявий ҳамкорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Ҳамдўстлик доирасида жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўйича



---

---

келишилган қонунчилик базаси ишлаб чиқилмоқда. Эркин савдо ҳудудини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тинчликпарварлик фаолияти. Парламентлараро ассамблеянинг энг муҳим вазифаларидан бири тинчликпарварлик фаолиятидир. Бу Ҳамдўстлик мамлакатлари "қайноқ нуқталари"да тинчликпарварлик ҳаракатларини ва ушбу фаолиятни изчил амалга ошириш учун ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқишни назарда тутди.

Ассамблея ташкил этилган кундан бошлаб, унинг саъй-ҳаракатлари минтақавий низоларни бартараф этиш ва ташқи чегаралардаги тинчликни мустаҳкамлашда МДХ иштирокчи давлатлар раҳбарлари Кенгаши, шунингдек, БМТ ва ЕХҲТга кўмак беришга қаратилган.

Шуни айтиш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг Парламентлараро Ассамблея билан ҳамкорлиги жадаллашиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи - давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича Йўл харитасини ишлаб чиқди.

Хулоса қилиб қайд этиб ўтамизки, гарчи Парламентлараро Ассамблея расмий - ҳуқуқий равишда МДХ Низоми бўйича унинг органи сифатида тан олинмаган бўлса-да, амалда ўзини кўрсатиб, унинг органлари тизимида муносиб ўрин эгаллади. Шу билан бирга, МДХ олдида турган кенг қўламли вазифалар, кун тартибига МДХ Парламентлараро Ассамблеяси фаолиятининг шакллари, услублари ва йўналишларини такомиллаштириш масаласи қўйилмоқда.

Миллий қонунчиликни уйғунлаштириш ва яқинлаштириш бўйича, биринчи навбатда, иқтисодийнинг устувор йўналиши бўйича, божхона, солиқ ва фуқаролик қонунчилигига алоҳида урғу берган ҳолда, саъй-ҳаракатларни давом эттириш керак. Бунда, ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатган модель қонунларни қабул қилиш амалиётига таяниш, уларнинг қоидаларини миллий қонунчиликда янада кенгроқ ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Нафақат қонунчилик ишлари режалари ва дастурлари бўйича ўзаро ахборот тизимини ишлаб чиқиш, уларни қўшма экспертизадан ўтказиш, балки, МДХ давлатлари қонунчилигида қўшма ишланмаларни ҳисобга олиш янада самарали тизимини яратиш лозим.

МДХ Парламентлараро Ассамблеяси ролини сезиларли даражада юксалтириш шарт. Ишлаб чиқилаётган ҳуқуқий нормалар Европа ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлишини таъминлаш учун унинг Европа парламент тузилмалари билан ҳамкорлик имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

МДХ давлат раҳбарлари саммитларида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ислоҳ қилиш дастури тез-тез қўллаб-қувватланади. Шубҳасиз, глобаллашув ва янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши шароитида МДХ давлатлари энг долзарб халқаро муаммоларни ҳал қилиш учун саъй-ҳара катларини бирлаштириши керак. Бирлашган Европада, ЕИПА билан бир қаторда, ЕИ Парламенти, Шимолий Кенгаш ва бошқа ташкилотлар фаолият юритиб, муваффақиятли ривожланмоқда ва маълум вазифаларни ҳал қимоқда. МДХни ислоҳ этиш шароитида ушбу ташкилотлар тажрибаси Парламентлараро Ассамблеяни келгуси ривожда жуда фойдали бўлиши мумкин.

МДХ органлари тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш керак, бунда тузилмани ва штатларни мақбуллаштириш, ходимлар танловини яхшилашга урғу бериш зарур, айниқса котибият таркибига барча иштирокчи - давлатлардан

---

---

ходимларни жалб этиш лозим, негаки ҳозирга қадар Парламентлараро Ассамблея қотибиятида Ўзбекистонлик фуқаролар фаолият юритмаган. Шу билан биргаликда, иштирокчи - давлатларда ҳамкорлик дастурларини амалга оширишнинг ташкилий механизми ва тақомиллаштириш йўналишлари ва принципларини келишириш масаласини қўриб чиқиш фойдали бўлади.

Фикримишча, парламентаризм институтининг халқаро нуфузи ва таъсирини кучайтириш мақсадида Ўзбекистонда МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси доирасидаги ҳамкорликни ахборот тарғиботини кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

---

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

---

1. Каримова А. Международные организации - инструмент многостороннего сотрудничества (Теория и практика). - Т.: УМЭД, 2001. - С. 13-14.
2. Саидов А.Х. Парламентское измерение международных отношений // Международное публичное и частное право. - М., 2005. - № 1. - С. 43.
3. Ибраева Э.А. Международный опыт деятельности Межпарламентской Ассамблеи СНГ в 90-е годы XX века: Автореф. дис. к.ист.н. - М.: Казахстанский институт информационных технологий и управления, 2005. - С. 3-4.
4. Балакирева В.И. Межпарламентская Ассамблея СНГ как международный институт политической консолидации: Автореф. дис. □ канд. полит. наук. - СПб.: Санкт-Петербургский государственный университет, 2002. - С. 4.
5. Шинкаревич Г.Г. Межпарламентская ассамблея Содружества Независимых государств на фоне межпарламентских организаций других интеграционных объединений // Государство и право. - М., 1997. - № 4. - С. 83.
6. Межпарламентское сотрудничество государств-участников Содружества Независимых государств. - М., 1993. - С. 31.
7. Межпарламентская Ассамблея СНГ // <http://cis.minsk.by/main.aspx?uid=204>. - 2017. - 4 янв.
8. Мурзакулова А.Дж. Развитие институтов межпарламентского сотрудничества СНГ в условиях постсоветской трансформации: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. - Бишкек: Кыргызско-Российский Славянский Университет, 2010. - С. 3.
9. Парламенты государств-участников Межпарламентской Ассамблеи СНГ // <http://www.iacis.ru/html/?id=18>. - 2017. - 10 янв.
10. Межпарламентская Ассамблея СНГ // <http://cis.minsk.by/main.aspx?uid=204>. - 2017. - 4 янв.
11. Модельный кодекс внутреннего водного транспорта для государств - участников СНГ от 19 апреля 2019 г. Приложение к постановлению МПА СНГ от 19 апреля 2019 г., № 49-12 // [http://iacis.ru/upload/iblock/593/prilozhenie-k-postanovleniyu-49\\_12.pdf](http://iacis.ru/upload/iblock/593/prilozhenie-k-postanovleniyu-49_12.pdf).
12. Модельный налоговый кодекс для государств - участников СНГ. Приложение к постановлению МПА СНГ от 19 апреля 2019 г., № 49-11 // [http://iacis.ru/upload/iblock/4fc/prilozhenie-k-postanovleniyu-49\\_11.pdf](http://iacis.ru/upload/iblock/4fc/prilozhenie-k-postanovleniyu-49_11.pdf).
13. Модельный закон о судебно-экспертной деятельности. Приложение к постановлению МПА СНГ от 19 апреля 2019 г., № 49-8 // [http://iacis.ru/upload/iblock/c29/prilozhenie-k-postanovleniyu-49\\_8.pdf](http://iacis.ru/upload/iblock/c29/prilozhenie-k-postanovleniyu-49_8.pdf).
14. Модельный закон об адвокатуре и адвокатской деятельности. Приложение к постановлению МПА СНГ от 19 апреля 2019 г., № 49-7 // [http://iacis.ru/upload/iblock/74f/prilozhenie-k-postanovleniyu-49\\_7.pdf](http://iacis.ru/upload/iblock/74f/prilozhenie-k-postanovleniyu-49_7.pdf).
15. Модельный закон о праве наследования. Приложение к постановлению МПА СНГ от 19 апреля 2019 г., № 49-6 // [http://iacis.ru/upload/iblock/121/prilozhenie-k-postanovleniyu-49\\_6.pdf](http://iacis.ru/upload/iblock/121/prilozhenie-k-postanovleniyu-49_6.pdf).
16. Модельный закон об ипотеке. Приложение к постановлению МПА СНГ от 19 апреля 2019 г., № 49-5 // [http://iacis.ru/upload/iblock/0ba/prilozhenie-k-postanovleniyu-49\\_5.pdf](http://iacis.ru/upload/iblock/0ba/prilozhenie-k-postanovleniyu-49_5.pdf). 14. Model law on advocacy and advocacy. Appendix to the resolution of the IPA CIS of April 19, 2019, No. 49-7 // [http://iacis.ru/upload/iblock/74f/prilozhenie-k-postanovleniyu-49\\_7.pdf](http://iacis.ru/upload/iblock/74f/prilozhenie-k-postanovleniyu-49_7.pdf).
15. Model Law on the Law of Succession. Appendix to the resolution of the IPA CIS of April 19, 2019, No. 49-6 // [http://iacis.ru/upload/iblock/121/prilozhenie-k-postanovleniyu-49\\_6.pdf](http://iacis.ru/upload/iblock/121/prilozhenie-k-postanovleniyu-49_6.pdf).
16. Model law on mortgages. Appendix to the Resolution of the IPA CIS of April 19, 2019, No. 49-5 // [http://iacis.ru/upload/iblock/0ba/prilozhenie-k-postanovleniyu-49\\_5.pdf](http://iacis.ru/upload/iblock/0ba/prilozhenie-k-postanovleniyu-49_5.pdf).

---

---

**МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЯ/CONTENTS**

<b>1. Tulyaganova Shirin Xusnitdinovna.</b> CIVIL LEGAL REGULATION PROVISION OF TOURIST SERVICES ON THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES TAKING INTO ACCOUNT THE PROSPECTS TOURISM DEVELOPMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	4
<b>2. Dilshod Egamberdiev.</b> IMPROVEMENT OF LEGISLATION RELATED TO THE CONSTRUCTION OF BANKRUPTCY CASES IN ECONOMIC COURTS.....	10
<b>3. Inamova Dilfuza Ismailovna.</b> GENESIS DEVELOPMENT OF THE INCOTERMS APPLICATION IN EXTERNAL TRADE TURNOVER.....	18
<b>4. Komil Khakimov.</b> CRIMINOLOGICAL CHARACTERISTIC OF THE CRIME COMMITTED IN THE CASE OF AFFECT AND THE IDENTITY OF THE PERPETRATOR.....	33
<b>5. D.M.Mirazov, R.Toshboev.</b> FEATURES OF JUDICIAL CONTROL OVER PRE-TRIAL PROCEDURES ON CRIMINAL CASES.....	44
<b>6. Davletov Utkirbek Matmuratovich.</b> JUDICIAL REFORMS: TO PERFECTION.....	48
<b>7. Abdullaeva Feruz, Bakhodir Samadov.</b> FUTURE OF LAW: HOW TECHNOLOGIES CAN CHANGE THE PROFESSION.....	54
<b>8. Artikov Dilmurod Rahmatillayevich.</b> ANALYSIS OF PROBLEMS IN THE SYSTEM OF RESOLUTION OF ADMINISTRATIVE DISPUTES AND THEIR FEATURES.....	59
<b>9. Raimova Nargiza Doroyevna.</b> NON-CONTRACTUAL REGULATION OF LEGAL RELATIONS FOR PROTECTION OF RIGHTS OF THE SUBJECTS OF COMMERCIAL CONFIDENTIAL INFORMATION.....	67
<b>10. Turdiev Khayitjon Usmankul ugli.</b> THE SYSTEM OF CHECKS AND BALANCES IN THE PROCESS OF IMPLEMENTATION OF THE PARLIAMENTARY FUNCTIONS.....	73
<b>11. Khujakulov Siyovush Baxtiyorovich.</b> ANALYSIS OF THE EXISTING SYSTEM OF SUBJECTS OF CRIME PREVENTION.....	78
<b>12. Rasulov Bekzod Boymuratovich.</b> ISSUES OF FORMS OF CONTROL AND ITS EFFECTIVENESS IN FURTHER DEEPENING CIVIL SOCIETY.....	84
<b>13. Feruza Eshmatova.</b> LEGAL NATURE AND EFFECTIVENESS OF INTERPARLIAMENTARY BODIES OF INTERNATIONAL ORGANIZATIONS (BY THE EXAMPLE OF THE INTERPARLIAMENTARY ASSEMBLY OF THE COMMONWEALTH OF INDEPENDENT STATES).....	90

---

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ  
ИССЛЕДОВАНИЙ**

**JOURNAL OF LAW RESEARCH**

**2019 №10**

---



**Масъул муҳаррир:** Шохруд Файзиев

**Мусахҳиҳ:** Сураё Раҳмонова

**Техник муҳаррир:** Акбар Юлдашев

---

**Контакт Редакция журнала "Правовые исследования":  
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.  
[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz) Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz) Тел: (+998-94) 404-0000**